26 03 95

Илм – ўзни билмакдир

# МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1995 йил 29 март, чоршанба

Баҳоси сотувда эркин нархда.
.13 (6659)

## ЭЛ ИШОНЧИ — ОЛИЙ МУКОФОТ



*Умумхалқ Референдумининг дастлабки якунлариёқ халқимизнинг буюк келажак сари Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар истиқболига қатъий ишончини яна бир карра намойиш этди. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакилларидан бир гуруҳи 27 март куни Президент Ислом Каримов билан учрашиб, давлатимиз раҳбарининг ўтказилган бу муҳим сиёсий тадбирнинг дастлабки натижалари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдилар.*

— Ҳар бир инсон ҳаётида унутилмас воқеалар бўлади,- деди Президент Ислом Каримов журналистлар саволларига жавоб берар экан. — Бундай дақиқаларда инсон ўтган умрига, қилган ишларига яна бир карра назар солади. Умрини қандай кечираётганига, эзгу ишлари қай даражада амалга ошганига баҳо беради. Куни кеча ўтган Референдум мени инсон сифатида шундай ҳаяжонга солди. Кечган умримга, қилинган ишларга яна бир карра назар солишимга имкон яратди.

Ҳар бир йигит-қиз дунёга келгани, камолотга етгани учун ўз ота-онасидан миннатдор бўлиши табиий. Мен ҳам мустақил давлат — Ўзбекистон раҳбари сифатида шу қадар олижаноб халқ фарзанди эканимдан чексиз ифтихор туйдим. Шу муқаддас заминда туғилганим, шу халқ ақл-заковатидан куч олганим учун яратганга шукроналар, элимга раҳматлар айтаман.

Оллоҳдан тилагим — шу азиз халқимнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқариш, унинг буюк ишончини оқлаш йўлида менга мадад берсин. Барчамизни шу тилакларни амалга ошириш борасидаги ишларимизда яратганнинг ўзи қўлласин.

Референдум чоғида билдирилган ишонч нафақат давлат раҳбарига, балки халқимизнинг кечирилган мураккаб кунлар ниҳоясида ёруғ келажакка, ўтказилаётган ислоҳотларнинг натижаларига ишончи ҳам демакдир. Қўйилган мустаҳкам пойдеворда мустақил Ўзбекистон аталмиш муҳташам бинони яратишимизга, унда инсонларнинг бахтиёр турмуш кечиришини таъминлашимизга ишончим комил.

Бундан буён ҳам жамиятимизнинг эҳтиёжманд қатламлари — болалар, талабалар, нафақахўрлар, ногиронлар давлат ҳимоясида бўлади. Биз шу сиёсатни давом эттирибгина қолмай, эҳтиёжманд оилаларнинг давлатдан оладиган нафақалари ҳажмини оширишни ҳам кўриб чиқмоқдамиз. Қилган ишларимиз ҳозир шунга имкониятлар яратмоқда.

Бор умримни халқим хизматига сарфлашга, она Ватанимиз равнақи йўлида бутун куч-ғайратимни бахшида этишга тайёрман. Сўзим сўнгида мени қўллаб овоз берган барча юртдошларимизга миннатдорлик билдираман.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказиш тўғрисида»ги 1995 йил 24 февралдаги қарорига мувофиқ, шу йил 26 мартда умумхалқ Референдуми бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи қўйилди.**

**Референдумда овоз беришда 11244724 нафар одам, яъни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон фуқароларининг аксарият кўпчилиги қатнашди. Дастлабки маълумотларга кўра, мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришни ёқлаб чиқди.**

**Референдумнинг узил-кесил якунлари яқин кунлар ичида чиқарилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.**

## МАКТАБ ҚАД КЎТАРМОҚДА

Биз ўрта мактаб биносини жадал суръат билан барпо этаётган қурувчиларнинг иш фаолиятини кузатар эканмиз, бунёдкорларнинг меҳнаткаш, тиришқоқ, ўз касбининг усталари эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Тўрт нафар йигит қоришмани ғишт терувчиларга етказиб бераётир. Ғишт терувчилар эса иш вақтининг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланиш ҳаракатида. «Оловли чок» устаси, пайвандчи Аҳрорбек Маҳкамов пойдевор арматураларни ковшарлаш билан банд. Моҳир кранчи Музаффар Абдураҳмонов ҳозиргина кузовли машинада олиб келинган ғишт тахламларини бинонинг иккинчи қаватига олаяпти. Бунёдкорлар ўз юмушларини берилиб, сидқидилдан адо этишаётгани сезилиб турибди.

Биз Манноп Жалолов номли ширкатлар уюшмасининг 3-бўлимида 422 ўринли ўрта мактаб биноси қурилишига раҳбарлик қилаётган Бўз туманидаги 66-кўчма колоннанинг катта иш юритувчиси Маъруфжон Ёқубов билан суҳбатлашдик. Бу ерда меҳнат қилаётган қурувчилар учун яратилган шарт-шароит, бажарилган бош пудрат ишларининг миқдори билан қизиқдик.

— Ҳозиргача лойиҳада белгиланган қурилиш-монтаж ишларининг 40 фоизга яқинини уддаладик. Бу объектда тажрибали қурувчи Абдумутал Йўлдошев бошлиқ комплекс бригада аъзолари меҳнат қилишмоқда. Улар барпо этаётган бино зарбдор объектларимиздан бири. Биз замонавий янги мактаб биносини шу йилнинг 1 сентябригача ишга туширишни мўлжаллаб астойдил меҳнат қиляпмиз. Ҳозирги шарт-шароитда қурилиш материалларининг мунтазам келиб турганлиги, кўчма колонна раҳбариятининг мактаб қурилишига алоҳида эътибор бераётганлиги бинокорларнинг одатдагидан кўра унумли ва сифатли меҳнат қилишига имкон бермоқда.

— Демак, кўркам ва шинам мактаб биноси янги ўқув йили олдидан ўқувчиларга муносиб туҳфа бўлар экан-да?

— Албатта. Биз ўз ваъдамизнинг уддасидан чиқиш учун қурилиш юмушларини тиғиз график асосида олиб боряпмиз. Кўчма колонна бошлиғи Турсинбой ака Қурбонов ҳам биздан кунора хабар олиб туради. Ойлик режаларини мунтазам ошириб бажарган қурувчилар йилнинг ҳар чорагида моддий рағбатлантирилмоқда.

**Ҳ. РУСТАМОВ,**
**Андижон вилояти.**

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида*

## МАСЪУЛИЯТ — ФАОЛИЯТ ТАЯНЧИ

Таълимни бошқарувда белгиланган вазифаларга масъулият билан ёндашиш самарали фаолиятнинг таянчидир. Бу, айниқса, бугунги кунда — мамлакат халқ таълими тизимида ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг ўтган жума куни вазир Ж. Ғ. Йўлдошев раислигида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида таълимни бошқарувга тааллуқли икки долзарб масала кўриб чиқилди.

Йиғилишда биринчи масала — «Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасининг ўқув-тарбия муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлашда вилоятдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳамкорликда олиб борадиган ишлари тўғрисида» вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Р. Мусурмонов ҳамда вазирлик кадрлар бошқармаси бошлиғининг муовини Ф. Кучукбоев ахборотлари эшитилди ва муҳокама қилинди.

Вазирлик ҳайъати Қашқадарё вилоятининг барча ўқув-тарбия муассасаларида 47 мингдан зиёд педагог ходим ишлаётган ҳолда айни пайтда умумтаълим мактабларида 2 мингдан ортиқ ўқитувчи етишмаётганлиги, айниқса, чўл ва тоғли минтақалардаги таълим муассасаларида ўқитувчи кадрларга жиддий эҳтиёж сезилаётганлигини қайд этди. Жисмоний тарбия, она тили ва адабиёт, меҳнат, расм ва чизмачилик, математика ҳамда миллий мактабларда рус тили мутахассисликлари бўйича ўқитувчи-кадрларга эҳтиёж катта. Бу муаммони ҳал қилиш йўлида вилоят халқ таълими бошқармаси олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан муайян ҳамкорлик ишларини олиб бораётир. Хусусан, битирувчиларни тақсимлаш, таълим муассасаларига ишга жойлаштириш масалаларига эътибор қаратилаётир. Бу борада ижобий тажрибалар ҳам бор. Жумладан, Қарши педагогика билим юрти туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари билан яқин алоқа боғлаган. Билим юртида иккинчи курсдан сўнг талабаларнинг дастлабки иш тақсимоти ўтказилади. Улар педагогик жамоа ва иш шарт-шароитлари билан танишиш учун таътил даврида бўлажак иш жойларига юбориладилар. Уларнинг педагогик жараёндаги амалий ишлари тугагандан сўнг фаолиятлари таҳлил этилади ва камчиликлари қайд этилиб, уларни тугатиш йўллари кўрсатилиб борилади. Уч йил давомида ҳар бир талаба билан бундай шуғулланиш бўлажак мутахассиснинг педагогик малака ҳосил қилишига яхши имкон бермоқда.

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасининг ўқув-тарбия муассасаларини кадрлар билан бутлаш борасидаги, юқорида қайд этилганидек, бир қатор яхши тадбирлари қаторида ҳали бу соҳада талайгина камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Педагогик кадрлар қўнимсизлиги диагностикасини, кадрларга бўлган истиқбол эҳтиёжини аниқлаш, ўқувчиларни педагогик касбга йўналтиришни оқилона ташкил этиш лозим. Туманларнинг халқ таълими бўлимлари ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш, ўқитувчилар бошқа соҳаларга ишга ўтиб кетишининг олдини олиш борасида етарли даражада шуғулланмаяптилар. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан талаб даражасида тадбирлар ишлаб чиқилмаганлиги, юқори раҳбарлик идоралари қарорлари асосида методик тавсияномалар ва йўриқномалар жойларга ўз вақтида етказилмаётгани ва қарорлар ижроси суст назорат қилинаётгани туфайли камчиликлар юз бермоқда.

Ҳайъат йиғилиши Қашқадарё вилоятидаги педагог-кадрлар билан ишлашдаги камчилик ва нуқсонлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам учраётганлигини, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш зарурлигини қайд этди. Йиғилиш Қарши педагогика билим юртининг битирувчиларини тақсимлаш, уларни ишга жойлаштириш борасидаги ижобий тажрибаларини маъқул деб топди ва шу билим юрти базасида мазкур масала бўйича 1994-1995 ўқув йили охиригача барча ўрта махсус билим юртлари вакилларининг семинар-кенгашини ўтказишни республика Таълим илмий-методика марказига топширди.

Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси кадрлар қўнимсизлиги диагностикаси асосида ўқувчиларни педагогик касбга йўналтириш, олий ҳамда ўрта махсус педагогика ўқув юртларига кириш учун тест синовларига тайёрлаш, кадрлар танқис бўлган жойларда педагогик синфлар ташкил этиш, ўқув юртлари билан ҳамкорликда тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш зарур. Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, барча вилоят халқ таълими бошқармалари 1995 йил август ойигача ўқув-тарбия муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлашнинг аҳволини таҳлил этишлари ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришлари лозим деб топилди.

Ҳайъат йиғилиши кун тартибидаги иккинчи масалани — «Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли таълим муассасаларида қатъий назорат қилинувчи ҳужжатларни сақлаш, тўлдириш ва топширишнинг аҳволи тўғрисида» Халқ таълими вазирлигининг ўрта умумтаълим мактаблари бош бошқармасининг ҳужжатлар юритиш бўлими бошлиғи Ҳ. Ҳакимжоновнинг текшириш якунлари бўйича ҳамда Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Ғуломованинг камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича ахборотларини тинглади ҳамда жиддий муҳокама қилди. Шу нарса қайд этилдики, Сирдарё вилоятида умумтаълим мактабларининг мазкур йўналиш бўйича фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилган, Низом талабларини қўпол равишда бузиш ҳоллари рўй берган. Шунга қарамасдан бошқарма ҳайъати йиғилишларида, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари кенгашларида қатъий назорат қилинувчи ҳужжатларни, мактаб ҳужжатларини юритиш ва сақлаш масаласи кейинги беш йил ичида кўриб чиқилмаган, ҳужжатларни тўлдириш ва расмийлаштириш бўйича ўқиш, семинар-кенгашлар ўтказилмаган. Халқ таълими бошқармасида, барча туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларида қатъий назоратда турадиган ҳужжатлар сақланадиган хоналар етарли муҳофаза қилинмаган.

Шаҳодатнома ва гувоҳномаларни расмийлаштириш юзасидан махсус ўқувларнинг ташкил этилмаганлиги сабабли фақат ўтган йилнинг ўзида 183 шаҳодатнома ва гувоҳномалар бузилган. Уларни ҳисобдан чиқариш ҳужжатлари комиссия раиси, унинг аъзолари томонидан имзоланмаган ва вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланмаган.

Битирувчи синф журналларини расмийлаштириб юритишда ҳам қатор мактабларда масъулиятсизлик туфайли хатоликларга йўл қўйилган. Масалан, Оқ олтин туманидаги 5-ўрта мактабда синф раҳбарларининг айби билан 38 та ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномада биттадан 8 тагача фанлардан ўқувчиларнинг баҳолари орттириб ёзилган. Шаҳодатнома ва гувоҳномаларни тўлдиришдаги хатоликлар Оқ олтин туманида 46 та, Гулистон шаҳрида 11 та, Боёвут туманида 7 та, Сирдарё туманида 9 та, Янгиер шаҳрида 5 та рўй берган.

Мактабларнинг ҳужжат олиш учун туман халқ таълими бўлимига берган буюртмаларида ва баҳолар қайднома варақларида ноаниқликлар кўп. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг шахсий ҳужжатлари (кундалик, меҳнат дафтарчалари ва шу кабилар) юритилишида ҳам тартибсизликлар мавжуд.

Ҳайъат йиғилиши Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармасининг қатъий назорат қилинувчи ҳужжатларни сақлаш, тўлдириш ва топшириш бўйича иш фаолиятини қониқарсиз деб топди. Назоратни етарли ташкил этмаганлиги, камчилик ва нуқсонларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўрмаганлиги учун Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Ғуломовага ҳайфсан эълон қилди. Вилоят халқ таълими бошқармасининг мазкур масала билан бевосита шуғулланадиган ходими А. Жўлиевнинг ўз лавозимида қолиш-қолмаслигини ҳал этиш, Оқ олтин, Ш. Рашидов, Мирзаобод, Сайхунобод, Гулистон, Сирдарё, Ховос туманлари ҳамда Гулистон, Янгиер, Сирдарё шаҳар халқ таълими бўлимлари раҳбарларининг фаолиятига тегишли баҳо бериш, йўл қўйилган камчилик ва хатоларни атрофлича муҳокама этиб, аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси ҳайъати кенгашига топширилди.

Ҳайъат йиғилиши А. Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтига янги ўқув йилидан бошлаб ўқув режасига «Қатъий назорат қилинувчи ҳужжатлар билан ишлаш масалалари»ни киритиш, шунингдек, туман (шаҳар) малака ошириш курсларида халқ таълими бўлими назоратчиларига амалий семинарлар уюштириш топширилди.

Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлигига, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига, барча вилоят бошқармаларига, таълим муассасаларига қатъий назорат қилинувчи ҳужжатлар билан ишлашнинг аҳволини кўриб чиқиб, ҳайъат йиғилишларида ва кенгашларда муҳокама қилиш юклатилди.

Шунингдек ,вазирлик ҳайъати йиғилиши «Учитель Узбекистана» газетасида «Иқтисодий таълим — ҳаммага» рукни остида эълон қилинган Э. Хохрованинг «Бу ерда бошқаришни, ташкил этишни, хўжалик юритишни ўрганадилар» мақоласини маъқуллаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди.

**М. РАҲМОНОВ,**
**махсус мухбиримиз.**

*Кўчат экинг — боғ яратинг*

## ТЕРАКЛАР БЎЙ ЧЎЗАЁТИР

Фарғона вилоятининг Фурқат туманида кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган залворли ишлар қилинаяпти. Унинг архитектураси, иқтисодиёти кундан-кунга ривожланаяпти. Шу билан бир қаторда шаҳар ва қишлоқлар режали асосда кўкаламзорлаштирилмоқда. Аҳолини сархил мева ҳамда қурилишбоп ёғочлар билан таъминлаш асосий мақсадлар сирасига киради.

Ҳозирги кунгача туман халқ таълими муассасаларига қарашли ҳудуд ва ерларга 3640 туп манзарали ва қурилишбоп, 2484 туп мевали дарахт кўчати ўтқазилди.

- Биргина 21-ўрта мактабимизда яқиндагина экилган 3,5 минг туп терак аллақачон сарроб ва тўсинбоп бўлиб қолган,— дейди халқ таълими бўлими мудири Рустамжон Меликўзиев.— 2 мингдан ортиқ мевали дарахтлар ҳосилга кирган, 500 туп атиргул эса ўқув даргоҳи ҳудудини безаб турибди.

Бу ерга бу йил яна 500 туп терак ва 40 туп ёнғоқ кўчатлари ўтқазилди. Биз ҳар бир мактаб ва боғчаларга, мактабдан ташқари муассасаларга бир қарич ердан ҳам унумли фойдаланиш вазифасини қўйганмиз. Ҳаракатда — баракат, дейдилар.

***

Шунингдек, Бувайда тумани халқ таълими бўлимига қарашли ўқув муассасалари ва қўшимча ер участкаларида жами 50 минг тупга яқин ниҳол экилиб, парвариш қилинмоқда. Шундан 23 мингтаси қурилишбоп терак, 1200 туп тут кўчатлари, қолганлари эса мевали ва манзарали дарахтлар.

Бундан бир неча йил олдин экилган дарахтлар, мактаблар, боғчалар ҳовлисида, ер участкаларида баҳор фаслига монанд қийғос гуллади. Атиргуллар барг чиқаряпти. Зеро, ерларга экин-тикин қадашяпти, чор-атроф ободонлаштирилмоқда.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

### БИЛДИРИШ

Газетамизнинг келгуси сонларида бу йил Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест синови саволлари эълон қилинади.

*Таътил соз ўтмоқда*

## ДЎСТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Улуғой Ғойибназарова номидаги 31-ўрта мактаб ўқувчилар жамоаси Тошкент шаҳрига 3 кунлик саёҳат уюштиришди. Уларни Шайхонтоҳур туманидаги 41-ўрта мактаб жамоаси Ҳамза театри биносида очиқ чеҳра билан кутиб олишди ва «Қувноқлар ва зукколар» дўстлик беллашувига чорлашди. «Тошкент ғунчалари» ва «Наманган гуллари» гуруҳлари ўртасида бошланган бу беллашув ғоятда қизиқарли ўтди. Беллашувда дўстлик ғалаба қозониб, ҳар иккала гуруҳ 25 баллдан тўплашди. Ҳакамлар ҳайъати 31-ўрта мактабнинг Ш.Ҳакимбоева, С.Исабоев, Н.Хўжамбердиев, А.Абдувалиев, Х.Усмонов, С.Давронова, М.Қурбонова каби ўқувчиларнинг маҳоратларини, айниқса, юқори баҳолашди.

Шунингдек, наманганлик ўқувчилар театрнинг таниқли санъаткорлари Гулчеҳра Жамилова, Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, Муҳаммадали Абдуқундузовлар билан учрашдилар. Улар иштирок этган спектакллардан парчалар томоша қилдилар. Ўқувчилар саёҳат давомида Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишишди. Шаҳардаги бир қанча мактабларда бўлдилар.

Хуллас, наманганлик ўқувчиларнинг баҳорги таътил кунлари ғоятда мароқли ва қизиқарли ўтди.

**Гулбаҳор ҲУСАИНОВА,**
**Янгиқўрғон туманидаги 81-ўрта мактаб тил-адабиёт ўқитувчиси.**

*Очиқ мулоқот*

## «ТИЛЛА БАЛИҚЧА»НИНГ ТАРИХИ

*«Тиккандир жонини Ватанига у*

*Бу сўз қаршисида титрама, эй, жон.*

*Юзма-юз келгандек гўё ўт ва сув,*

*Юзма-юз келадир шоир ва замон».*

Бу икки мисра Рауф Парфининг «Шоир» сарлавҳали шеъридан олинди. «Жонини Ватанига» тиккан инсон - Абдулла Ориповдир, янаям аниқроғи ушбу шеър унга бағишлангандир. Абдулла Ориповни маърифат аҳлига таништиришнинг зарурати йўқ. Унинг ёзган китобларини санаб ўтириш ҳам жоиз эмас. Халқ унинг шеърларини севиб ўқийди. Шунинг учун ҳам халқ шоири-да!

Республика «Ўқитувчилар уйи»да шоир билан адабий-ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда ўқитувчилар таклиф қилиниб, адабиёт дарсларида Абдулла Ориф ижодини ўргатиш учун муаллифнинг ўзидан қўшимча маълумот олишларига шароит яратилди. Учрашувнинг энг қизиқарли қисми шеърларнинг яратилиш тарихи ҳақида шоирнинг ўз ҳикоялари бўлди, десак хато бўлмас.

Абдулла Ориповнинг кўпгина шеърлари янги дарсликларга киритилган. Масалан, 5-синф адабиёт дарслигида «Ўзбекистон» шеъри, 6-синфда «Ҳангома», «Онажон» шеърлари, 7-синфда «Она сайёра» ва 11-синф дарслигида «Тилла балиқча», «Дорбоз» шеърлари ва «Жаннатга йўл» достони ўрин олган. 11-синфлар учун янги дарсликнинг нишона сони чиқибди. Шу янгилик айтилгачми, ҳойнаҳой Абдулла ака сўзини шов-шувлар, ғавғолар, турлича талқиндаги мақолаларга сабаб бўлган «Тилла балиқча» шеърининг яратилиш тарихидан бошлади.





Хўп, унинг ёзилиш тарихи қандай бўлган? Муаллимлар янги чиққан адабиёт дарслигидан танқидчиларнинг бу шеър ҳақида фикрларини ўқишар ҳали. Келинг шоирнинг ҳикоясини эшитамиз:

«Маҳмуд мўйлов деган кишининг чойхонаси ҳовлисида бир ҳовуз бўларди. Саид Аҳмад ака доим ўша ерда, балиққа нон ташлаб ўтирардилар. Қизил балиқ бўлганлиги учун «Пажарний балиқ» дердик. Шу балиқчага ростдан ҳам раҳмим келарди. Ахир ер юзида шунча океанлар, денгизу дарёлар бўлса-ю, бу балиқ шу ҳовузни дунё деб сузиб юрибди. Шеър ёзилди, бир газетада чиқиб ҳам кетди. Унинг бошқа томонларини кейин ўйлаб қарасам... Демак ўша

Шеър ёзилиб матбуотда эълон қилингач, гап шу даражага бориб етдики, Москвада унга нисбатан «Ўрта Осиё бир ҳовуз-у, тилла балиқча сенмисан», деган сўзларни-да ишлатдилар.

«Ўша пайтнинг энг «антисовет» деб аталмиш «Новый мир» журналида «Муножотни тинглаб», «Лайлак», «Тилла балиқча» каби «дордан қочган» гаплари бор шеърларимни таржима қилишибди. Бир пайт Твардовский (журнал муҳаррири) урилибди, деган гап чиқди. Ана энди кўринг. «Антисовет битта журнал бор эди, Твардовский битта редактор эди, унинг думи мана шу!»

Залда кулги кўтарилди. Бугун бу гаплар чўпчакдай туюлдимикан... Шоир ҳам шу гапни таъкидлаб, сўзини давом эттирди.

«Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, устоз Қайсин Қулиев каби қатор иттифоқнинг ҳурматли адиблари энг юксак даражадаги одамлар қабулига кириб, мени ҳимоя қилишмаганларида, худо билсин, шундай кунларни кўрармидик...»

Келинг шу шеърни яна бир бор эслаймиз:

***Тухумдан чиқди-ю келтириб уни***
***Шу лойқа ҳовузга томон отдилар.***
***Ташландиқ ушоқ еб ўтади куни,***
***Хору хас, хазонлар устин ёптилар.***
***Дунёда кўргани шу тор ҳовузча***
***Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони.***
***Менга алам қилар, тилла балиқча***
***Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни.***

пайтдаги ҳолатимиз тилла балиқдан бадтар эканки, етиб борибди».

Абдулла ака муаллимларга фақатгина «Тилла балиқча»нинг эмас «Ўзбекистон» қасидасининг ёзилиш тарихини, у шеър билан боғлиқ айрим воқеа ва суҳбатларни, «Жаннат йўли» достонининг ёзилиш тарихи ва кўпчилик шеърхонларни-да, бироз «ўкситган» «Нажот қалъаси» шеърининг тарихини сўзлаб берди.

Унда шеър, шоир хусусида кўнгилнинг гапи ҳам айтилдики, ёзмасак бўлмас. Шоир ҳар доим ҳам бир тузумга қарши ёки уни қўллаб шеър ёзавермайди. У ер юзидаги бир тузумда яшаса-да, дунё деб аталмиш кенгликдан нафас олади. Мунажжимлар айтмиш, ҳар бир инсон коинотнинг бир бўлаги. Шеър эса кўнгил фарзанди... Шеърнинг кўнгли эса жуда-жуда кенг... ёки «Шоир» шеъридан яна бир парча:

***«Буюк эътиқоддир бу даҳр аро йўл.***
***Буюк эътиқоддир муборак илҳом.***
***Шоир юрагида очилмаган гул,***
***Шоир юрагида собит интиқом».***

Учрашувда ЎзФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор М.Қўшжонов, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев, ТошДУ доценти, филология фанлари номзоди Р.Иноғомов ва мезбон - Республика «Ўқитувчилар уйи» директори, профессор Қ.Фозилхўжаев ва Бахтиёр Қурбонбоевлар шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб бердилар. Учрашув давомида Собир Раҳимов туманидаги Акмал Икромов номидаги 185-ўрта мактаб директори Н.Аҳмедов ва ушбу мактабнинг ўқувчилари қатнашиб, шоир шеърларидан намуналар ўқидилар.

**Ҳ.САИДОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

**Суратларда: учрашувдан лавҳалар. Ҳ.Солиҳов олган суратлар.**

*"Маърифат" хабарлари*

## ҲАМКОРЛИК АСОСИДАГИ ТАДБИР

Кейинги пайтларда Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасининг саъй-ҳаракати билан туманлар халқ таълими бўлимлари ўртасида турли тадбирлар, мусобақалар ўтказиб туриш йўлга қўйилмоқда. Яқинда Пахтакор ва Зафаробод тумани мактабларининг ижодкор ўқитувчилари, тарбиячилари ва ўқувчилари Пахтакор туманидаги Ал Хоразмий номидаги мактаб фаоллари залига тўпланишди. Адабий анжуманда ёш ижодкорлар адабиёт, маънавият, санъат соҳасида фикр алмашиб, ўзларининг ижод намуналаридан ўқидилар. Ҳакамлар ҳайъати ижодкорларнинг асарларини тинглаб, баҳолади ва энг яхшиларини вилоят ижодкор ўқитувчи, тарбиячи ва ўқувчиларининг IV адабий анжуманига тавсия этди.

•

## КУЙ-ТАРОНАЛАР ЯНГРАДИ

Яқинда уч кун давомида Пахтакор шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги 2-ўрта мактабнинг мажлислар залида туман мактаблари ва 31-мактаб-интернат бадиий ҳаваскорларининг «Санъат байрами» туман кўрик-танлови ўтказилди. Унда ёш истеъдодлар санъатнинг ўн тури бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Ғолиблар аниқланди. Умумий команда ҳисобида Усмон Носир номидаги 8-ўрта мактаб бадиий ҳаваскорлари биринчи ўринни, 31-мактаб-интернат санъатсеварлари иккинчи ўринни қўлга киритишди. Учинчи ўрин Ал-Хоразмий номидаги 13-ўрта мактаб ёш истеъдодларига насиб этди.

Ҳакамлар ҳайъати энг сараларини мактаб ўқувчиларининг «Санъат байрами» вилоят кўрик-танловига тавсия этишди.

**А. ХАЛИЛОВ,**
**Пахтакор туман халқ таълими бўлими методика хонасининг мудири.**
**У. ОДИЛОВ,**
**«Маърифат» мухбири.**

•

## КУТУБХОНАЧИЛАР КЕНГАШИ

Республика илмий-педагогик кутубхонасида вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтлари ижтимоий тарбия бўлимлари мактаб кутубхоналари бўйича методистларининг уч кунлик семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шароитида мактаб кутубхоналарининг ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашга оид вазифалари ҳақида» Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги фан бўлими бошлиғи Т. Тошлонов маъруза қилди. Шунингдек, семинар қатнашчилари шу соҳа мутахассисларининг мактаб кутубхоналари фаолиятини янада жонлантириш юзасидан билдирган қимматли фикр-мулоҳазаларини эшитдилар.

Семинар-кенгашнинг сўнгги кунида иштирокчилар мактаб кутубхонаси ишини ташкил этиш муаммолари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар, бу соҳада тўпланган бой тажрибалар билан ўртоқлашдилар.

**Матлуба ҲАМИДОВА,**
**Самарқанд вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти услубчиси.**

*Ойбек таваллудининг 90 йиллигига*

# ЮЛДУЗЛАР ИЧРА ОЙ...

Адабиётимизнинг ёрқин қуёши, порлаб турган ойи, чақноқ юлдузлари бор. Мен ҳар сафар атоқли адиб Ойбек ҳақида ўйлаганимда, уни юлдузлар орасидаги Ойга ўхшатаман. Адабиётимиз осмонидаги бу нурли чўққи ҳамиша инсонларни эзгуликка чорлайди, нурли келажакка ундайди...

Ўқитувчи ўқувчилар онгига Ойбек ҳаёти ва ижодини сингдирар экан, дарслик ҳамда мажмуада ёзилганлар билан чекланиб қолмаслиги керак. Кўпроқ ноанъанавий усулларда сабоқ берса, яхши натижаларга эришади. Албатта, бунда Ойбек ҳаёти ва ижодини тарих, жуғрофия, санъатга боғлаб, кўргазмалилик асосида ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Хўш, кўргазмали қуролларни қаердан топиш мумкин? Бахтимизга Ойбек ҳақида материаллар жуда кўп. Фақат ўқитувчи уларни қунт қилиб тўпласа, ҳозирги дарсликлар йўқ вақтда, бу кўргазмалар жуда асқотган бўлар эди. Бу ёғи энди ўқитувчининг интилиш ва изланишига боғлиқ муаммо.

Биз Ойбек ҳаёти ва ижоди мактаб дастурларида кенг берилганлигини ҳисобга олиб, аниқ бир дарс мавзуини чегаралаб олмай, тажрибадан келиб чиқиб, умумий услубий тавсиялар беришни маъқул кўрдик.

Ойбек — Мусо Тошмуҳаммад ўғли 1905 йил 10 январда Тошкентнинг Говкуш маҳалласида бўзчи оиласида туғилди. Бўлажак адиб аввал эски мактабда, 1918 йилдан янги мактабда ўқиди. У 1922-1925 йилларда Тошкентдаги Навоий номли педагогика техникумида таълим олди. Сўнгра 1927-1929 йилларда Санкт-Петербург халқ хўжалиги институтида таҳсил кўрди. 1930 йилда эса Ўрта Осиё давлат университети (САГУ)нинг иқтисод факультетини тамомлади. Олий ўқув юртларида сиёсий иқтисоддан дарс берди.

Ўқитувчи шуларни ҳикоя қилар экан, ўқувчиларга турли тарихий ҳужжатлар, китоблар, фотосуратлар, расмлар ва санъат асарларини кўрсатса, дарс анча жонли чиқади, ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишлари ортади. Масалан, эски Тошкентнинг 20-йиллардаги кўриниши, Говхуш маҳалласидаги адиб туғилган уй, Ойбекнинг отаси — Тошмуҳаммад Дадақўзи ўғлининг 30-йилларда олинган сурати, эски мактаб кўриниши ва у ерда фойдаланилган дарслик ҳамда жиҳозлар шулар жумласидандир.

Албатта, адиб ижодига кўпроқ вақт ажратиш лозим. Ойбек адабиётга 1926 йили чоп этилган «Туйғулар» шеърий тўплами билан кириб келди. Унинг иккинчи шеърий тўплами 1929 йили «Кўнгил найлари» номи билан босилди. «Машъала» шеърлар тўплами эса 1932 йили, кейинроқ «Қуёш қўшиғи» (1955) китоби дунё юзини кўрди. Бу китоблардаги шеърларда 30-йиллардаги асосий воқеалар, кишиларимизнинг фидокорона меҳнатлари қаламга олинган. Шу ерда ўқитувчи араб ва лотин алифбосида нашр этилган юқоридаги китобларнинг суратга туширилган муқоваларини, Ойбек рафиқаси Зарифа Саидносирова билан (1929) тушган суратни, Ойбекнинг 1924-1930 йилларда олинган расмларини ҳам ўқувчилар ҳукмига ҳавола этса, уларда адиб шахсига қизиқиш янада ортган бўлур эди.

Шу ерда шоирнинг машҳур шеърларидан бирини, масалан, 1936 йил 31 июлда Чимёнда яратилган «Наъматак»ни ёддан айтиб бериш дарс сифатини янада ошириб юборади:

**Нафис чайқалади бир туп наъматак**
**Юксакда, шамолнинг беланчагида.**
**Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,**
**Виқор-ла ўшшайган қоя лабида**
**Нафис чайқалади бир туп наъматак...**

Янги мазмун билан йўғрилган, бойиган ана шундай нафис шеърият Ойбек ижодига хос фазилат. Шеърда ўша юксак тоғ чўққисида чайқалиб турган гўзал наъматак мажозийлик касб этиб, худди ўтмиш давр машаққатларини енгиб чиқиб, кейинчалик бадиий баркамол асарлар ёзган Ойбек тимсоли эмасмикан? Муаллим шулар ҳақида сўзлар экан, «Наъматак»нинг араб алифбосида чиройли қилиб кўчирилган қўлёзмасидан олинган рангли суратни ўқувчилар қўлига тутқазади. Кийинги дарсга эса, шеърни ёдлаб келишни топширади.

Шу ўринда Ойбек достонлари ҳақида мухтасар ахборот бериб ўтилади. Зеро, шоир достонлари шеъриятимизда ўзига хос ўрин тутади. Унинг «Дилбар давр қизи» (1932), «Ўч» (1933), «Темирчи Жўра» (1933), «Бахтигул ва Соғиндиқ» (1934), «Қизлар» (1947), 1949-1953 йилларда яратилган «Ҳамза», «Зафар ва Заҳро», «Ҳақгўйлар» номли достонлари нашр қилинди. Уларда асосан хотин-қизлар озодлиги масаласи, меҳнаткашларнинг золимларга қарши кураши ва бошқа кўплаб мавзулар бадиий ифода этилди. Шу достонларнинг муқовалари ва шоир қўлёзмаларининг суратга туширилган нусхаларини кўрсатиш билан Ойбек шеърияти ҳақида ўқувчилар билимини янада бойитишга интилиш керак.

Ойбекнинг насрий асарлари аллақачон адиб ихлосмандлари китоб жавонларидан муносиб жой олган. Гап бу ўринда Ойбекнинг 19 жилдлик мукаммал асарлар тўплами устида бормоқда. Тўпламнинг бешинчи жилдидан «Қутлуғ қон» (1940) романи ўрин эгаллаган.

Ойбекни машҳур қилган «Навоий» романи 1944 йилда нашр этилди. Асарда XV асрнинг тарихий воқеа-ҳодисалари оқимида улуғ ўзбек шоири, буюк аллома Алишер Навоий сиймоси адабиётимиз тарихида биринчи марта бадиий гавдалантириб берилди. Шоир характеридаги гўзал фазилатлар — инсонпарварлик, адолатпарварлик тўлақонли яратилди. Ойбек бу романи учун 1946 йилда биринчи даражали Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Адибнинг «Қуёш қораймас» (1944,1959) романида халқимизнинг уруш йилларидаги, «Олтин водийдан шабадалар» (1949-1950) романида эса урушдан кейинги даврдаги яратувчилик меҳнати тасвирланган. Шунингдек, «Улуғ йўл» (1965, 1968) романи «Қутлуғ қон»нинг мантиқий давомидир. Ҳар икки асар маҳаллий меҳнаткашларда ижтимоий онгнинг уйғониши, қардош халқлар ўртасидаги бирдамлик ҳақида ҳикоя қилади.

Ойбек 1949 йилда Покистонга саёҳат қилди. Адиб Покистон халқининг ҳаётини, ўй ва орзуларини, кураш ва интилишларини «Покистон таассуротлари» (1950) очеркларида, қатор шеърларида, «Ҳақгўйлар» (1952), «Зафар ва Заҳро» (1953) достонларида, ниҳоят «Нур қидириб» (1957) қиссасида тасвирлади.

Адибнинг «Болалик» (1963) қиссасининг бош қаҳрамони ёш Мусонинг ўзи бўлиб, асарда инқилоб арафасида ўзбек халқининг босиб ўтган йўли, курашлари ғоят қизиқарли тарзда акс эттирилған. Бу қисса учун ижодкорга 1964 йил 14 ноябрда Ҳамза номидаги Давлат мукофоти берилди.

Шундан кейин 1965 йил 23 сентябрда Ойбекка адабиётни ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари учун «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилди.

Ўқитувчи юқорида айтганларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўқувчиларга адиб асарларининг турли тилларда ва йилларда нашрланган намуналарини, бадиий ва видеофильм ҳамда саҳна кўринишларидан парчаларни, романларга ишланган безакли расмларни намойиш қилади. Булар ўқувчиларда адиб ижодига, умуман дарсга бўлган қизиқиш ва муҳаббатни янада орттиради.

Ўқувчиларга Ойбек фаолиятининг бошқа қирралари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтиш лозим. Чунончи, Ойбек машҳур олим, давлат арбоби, публицист, танқидчи ва таржимон ҳамдир. Ўзбек китобхони А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин», М. Ю. Лермонтовнинг «Маскарад» асарларини, қадимий Рим адабиёти намуналарини, арман эпоси «Довуд Сосунли»ни ва бошқа асарларни Ойбек таржимасида ўқишга муяссар бўлган.

Ойбек 1943 йилнинг 4 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди. У саккиз йил мобайнида академияда ижтимоий фанлар бўлимининг раиси лавозимида ишлади. Ойбек юқори малакали филолог-олимлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди. Унинг «Ўзбек поэзиясида тил», «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли», «Навоий ғазалиёти», «Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти» ва бошқа илмий-назарий тадқиқотлари ўзбек адабиётшунослигида катта аҳамият касб этди.

Айни чоғда, Ойбек 1945-1949 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси ҳамда «Шарқ Юлдузи» журналининг бош муҳаррири сифатида катта ишларнинг бошида турди.

Кўргазмалар ҳақида ҳикоя қилинганда, санъат асарларига кўпроқ диққат-эътиборни қаратмоқ керак. Зеро, Ойбек сиймоси рассом ва санъаткорлар учун ҳамиша илҳом манбаи бўлиб келмоқда. Шу ўринда санъаткорлардан А. Абдуллаев, Ф. Сайдалиева, О. Азизов, В. Астанов, А. Ғуломов, М. Кагаров, О. Хабибулин ва бошқаларнинг номларини эслаш кифоя. Улар тасвирий санъатнинг турли жанрларида Ойбек сиймосини маҳорат билан яратиб келмоқдалар. Айни пайтда, адиб асарлари асосида туркум ишлар устида ишламоқдалар. Чунончи М. Кагаровнинг 1980 йилда «Навоий», А. Ғуломовнинг 1982 йилда «Қутлуғ қон» романларига ишлаган безакли расмлари ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, бу борада Ўзбекистон халқ рассоми А. Абдуллаев мўйқаламига мансуб бўлган «Ойбек» (1965) номли портрет диққатга сазовор. Портретда Ойбек қўлида китоб ушлаган ҳолда узоқларга маъноли, чуқур ўйчан кўзларини тикиб турибди. Унинг бу кўзларида келажакка умид ва ишончни кўриш мумкин. Шунингдек, рассом Ойбекка хос бағри кенгликни, етукликни, кучли қувваи ҳофизани мой бўёқда мангуликка муҳрлаган. Бу санъат асарлари ўқувчилар қалбида санъатга бўлган қизиқишни орттиради, гўзаллик билан ошно қилади.

Эл севган адиб Ойбек 1968 йил 1 июлда вафот этди. Бироқ у ҳозирда ўзининг иккинчи умрини яшамоқда. Зеро, Термиз давлат педагогика институти, кўплаб мактаблар, жамоа хўжаликлари, кўчалар, метро бекати адиб номи билан юритилади. Шунингдек, Тошкентда ижодкор уй-музейи фаолият кўрсатмоқда.

... Ойбек ҳақида ўйлаганимда, атоқли адибни юлдузлар ичра Ойга ўхшатаман. Бу нурли чўққи, ҳар сафар назаримда инсонларни эзгуликка чорлаётгандек, нурли истиқбол сари ундаётгандек туюлаверади...

**Баҳодир Ҳабиб ВАЛИЙ,**
**олий тоифали муаллим.**

*Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан*

# БИРДАН УЛҒАЙИБ ҚОЛГАН БОЛАЛАР

Бир ҳангомада олтмишинчи йиллардан кейин туғилган, ҳозирда бир неча фарзанд ўстираётган ёш ота шу бугунги кун иқтисодий қийинчиликларидан нолиб зорланди. Фарзандларини рисоладагидек кийинтириб, едириб, истакларини рўёбга чиқара олмаётганидан оҳ-воҳ қилди. Шунда тўрда ўтирган нуроний, ёши улуғ отахон «ношукур бўлманг ўғлим», — дея насиҳат қилган бўлди.

Дарҳақиқат, гоҳ-гоҳда ҳар биримиз ана шундай зорланишларнинг гувоҳи бўламиз. Тўғри, иқтисодий қийинчилик, етишмовчилик, камчилик мавжуд. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин ваҳима қиладиган даражада эмас. 30-40-йилларга тўзим берсин. Ҳеч кимнинг бошига солмасин у қора кунларни.

Қирғинбарот уруш бошланганда беш ёшда эдим. Даҳшатли бу уруш тенгдошларим қатори беғубор, бахтли болалик йилларимни — пошшолигимни ўз қаърига, комига тортиб кетди. Бир нарса аниқ. Уруш биз, болаларни бирдан улғайтириб юборди. Рўзғор ташвишлари, дала юмушлари улар зиммасига тушди. Чунки қурол тутишга ярайдиганлар фронтга, она-юрт ҳимоясига отланишганди. Шу жумладан отам, амакиларим, тоғаларим ҳам. Биз, тўрт опа-ука-сингилни боқиш, тарбиялаш, соғ-саломат ёруғ кунларга етказишдек юк раҳматли онамиз (жойлари жаннатда бўлсин) елкасига тушди. Онамлар жуда меҳнаткаш, бамаъни, меҳр-мурувватли, қўли очиқ, феъли кенг аёл эдилар. Дала ишларини тиндиришда рўзғор, айниқса, томорқадаги юмушларни бажаришда асосий ёрдамчи эдик.

Уруш йилларида кўпгина тенгдошларим қатори тўйиб овқат еганимизни эслай олмайман. Буғдой нон қаёқда. Унинг таъми, мазасини ҳам унутиб юборгандик. Тўйиб нон ейиш қанчалик орзу эди. Гўшт, ширинликларни гапирмаса ҳам бўлади. Ҳа, бир бурда жўхори ёки арпа нон уруш болалари учун байрам эди. Нон ўрнида нималар истеъмол қилинмади, дейсиз. Кунжара, ўт, кепак, ёввойи ўт донлари... Эрта баҳордан бошлаб исмалоқ, ялпиз, жағ-жағ, қоқи каби ўтларни халта-халта терардик. Ундан ажойиб «нон» тайёрланарди. Кўк ўт чопилиб, нондай ясалиб юзига бир сиқим ун сепиб тандирга ёпишарди. Кўнгилни беҳузур қиладиган ўт, нон томоқдан зўрға ўтарди. Шу ҳолда ўт чайнаб баҳорни кузатардик. Эрта ёзда тут, ўрик каби мевалар биринкетин етиларди. Қорнимиз очиқса тут дарахти тепасига чиқиб кетардик. Кўп бўларди. Меваси тўйимли, мазали. Майизини, шиннисини айтмайсизми?

Ёзда ғаллага ўроқ тушади. Қишлоқ болалари елкасига халта, тўрва осиб ялангоёқ ғаллазордан бошоқ теришга борарди. Қоровуллар яқин йўлатишмасди. Ялангоёқ юрабергандан оёқларимиз тағи чармга айланарди. Унча-мунча тикон кор қилмасди. Қочиб-писиб бир сиқим бошоқ териб келинган кун уйда байрам. Ундан қотирмами ёки атала тайёрланарди. Жуда мазали туюларди.

Кузда оқ жўхори пишади. Жуда меҳнатталаб ўсимлик. Ўташ, чопиш, суғориш, чумчуқ ва ҳайвонлардан қўриқлаш. Бўлмаса икки бармоқни бурунга тиқиб қолиш ҳеч гапмас. Томорқадан чиққан жўхори билан бир амаллаб қиш чиқарди.

Уруш йиллари қишлоқлар ҳувиллаб қолганди. Ўлим кўп эди. Одамлар бир бурда нон ахтариб, ҳар томонга тарқаб кетишди. Биз болалар раҳматли онамиз саъй ҳаракати туфайли омон қолганмиз. Бу каби заҳматлари, меҳнатлари олдида таъзимдаман.

Биттагина сигиримиз бўларди. Ҳар қанча қийналсак-да сотмадик. Сути, қатиғи, айрони бизни боқди. Нафақат бизга, балки қўни-қўшниларга, кўпгина қишлоқдошларимга ҳам мадад бўлгани ёдимда. Оналар қизғаниш, яширишни билмасдилар, ҳамиша иссиқ сўзи, гоҳда моддий ёрдамини аямасди. Ҳар куни сут ёки айронини етганича бўлиб берарди. Баъзида ўзимизга қолмасди ҳам.

Уруш болалари ҳар турли-туман ширинликлар, конфетлар, шоколадлар, пишириқлар, нон, сут, гўшт маҳсулотлари бўлишини билмай, кўрмай ўсдик.

Ёзни ялангоёқ, ялангбош, кўйлакчан ўтказса бўлади. Қишничи? Қирқ ямоқ чопон, титилиб кетган телпак, оёқда эса мол терисидан чориқ. У ҳам борда бор. Уйлар таппи-тезак ёқиб иситиларди. Сандал жоннинг роҳати эди. Музга айланган оёқларимизни сандалга тиқиб жон сақлардик. Касал ҳам бўлмасдик. Ҳозирги болаларга ҳайронман. Қалин кийинишади. Уй иссиқ. Лекин дарахт барги қимирлаб кетса йўталиб қолишади.

Кечаси қорачироқнинг хира нурида дарс қилардик. Бурнимиз қора қурумга тўлиб кетарди. Бугунги болалар қора чироқни тасаввур қилиша олмайди. Уни китобларда ўқишади, киноларда кўришади.

Газ, электр нури нималигини билмаганмиз. Ҳозирда газда уй исийди, овқат, нон тайёрланади. Электр нури билан уй чароғон. Радио, телевизор, магнитофон, видео каби уй-рўзғор, маиший буюмлар хизматда. Бу каби буюмлар уруш болаларининг тушига ҳам кирганмас.

Нима бўлганда ҳам, бугунги болаларга, болаликка қийин эмас. Нархи баланд бўлса ҳам, ҳамма нарса топилади. Бугунги иқтисодий қийинчиликдан нолиш, зорланиш ўринсиз. Нарх ҳам ўзимизга боғлиқ. Фақат ўзини ўйламай, бошқаларни ҳам ўйласа, нарх-наво, тақчиллик сунъий равишда вужудга келтирилмаса, ҳаммаси изга тушиб кетиши шубҳасиз!

**Шамидулла ОТАҚУЛОВ,**
**Самарқанд вилоят Пайариқ туманидаги 1-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси.**




Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги мактабда бўлиб ўтган «Алифбе» байрами катта бир шодиёнага айланди. Ўша куни бу ерга ота-оналар, маҳалла вакиллари ташриф буюришди. 1-«А» синфида сабоқ олаётган 30 нафар жажжи ўғил-қизлар ўзларининг дилрабо қўшиқлари ҳамда ўйноқи рақслари билан йиғилганлар қалбига баҳорий кайфият бахш этди.

Суратларда: «Алифбе»байрами шодиёнасидан айрим лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

*Тажриба*

# БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА АЛИФБЕСИЗ ЎҚИТИШ СИНОВЛАРИ

**1993-94 ўқув йилида тажриба сифатида мактабимизда алифбесиз ўқитиш синовдан ўтказилди. Алифбесиз ўқитиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлган психологик ва физиологик аломатларига кўра, таълимни янгича ташкил қилишдир.**

**Алифбесиз ўқитиш синфига соғлом муҳитда тарбияланган, нормал ривожланган, саломатлиги яхши, тафаккури теран, идроки, зеҳни, фаҳм-фаросати, хотираси, иродаси, билим олишга иштиёқи ва эҳтиёжи бўлган зийрак болалар қабул қилинади.**

**Бўлажак ўқувчиларнинг ота-оналари олдиндан чақирилиб, уларга 3 ой мобайнида ўқиш-ёзишни ўргатиш вазифаси юклатилади. Бу тадбир орқали 1-синфда таълим олаётган болалар ўқув дастуридаги матнларни эркин ўқий олади. Шу даврда ўқувчи билан ўқитувчи ҳамжиҳатликда ишлаб, 1 чорак давомида алифбени тугатиб, 2-синф ўқиш китобидан фойдаланиши мумкин. Бу анча мураккаб таълим жараёни бўлиб, муаллим ҳар бир ўқувчи билан якка тартибда ишлагандагина муваффақиятларга эришиши мумкин.**

**Иқтидорли болалар билан ишлашда, айниқса, боғчанинг аҳамияти катта. Мактабимиз 496-боғча билан шартнома тузиб, биргаликда иш олиб боргани боис ўқитишнинг янги усулини қўллашда қийинчиликларга дуч келинмади. Алифбесиз ўқитишда синфдан ташқари ўқиш, диафильм кўриш, пластинкадаги эртакларни, магнитофонга олдиндан ёзиб олинган ҳикояларни «наушник» билан эшитиш муҳимдир. Иқтидорли болалар одатда жуда ҳам қизиқувчан, ҳаракатчан, кўп нарсаларни билишни хоҳлайдиган бўлишади. Уларга кўрсатилган ёки ёзиб эшиттирилган ҳикояларнинг тили қанчалик содда, тушунарли, бола ҳиссиётига таъсири уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда танланса, тарбиявий аҳамияти шунчалик кучли бўлади ва бола шуни қизиқиб кўради, тинглайди, эшитади.**

**Мен ҳар бир ўқиш дарсларида диафильм ва лингафон орқали эртак, мақол, ҳикоя, топишмоқлар эшиттириб ўз мақсадимга тезроқ эришдим. Ўқувчилар ҳам ўқиш дарсига жуда қизиқиб, ўзлари турли бадиий китоблар топиб келдилар. Уларнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда синф кутубхонаси ташкил этилди. Бу кутубхонага ота-оналар ўз болалари қизиққан турли хил эртак, ҳикоя тўпламларини ва ранг-баранг расмларни олиб келишди. Синфда ҳар бир болага биттадан карточка очилиб, унда ўқиган китоблари қайд этилади ва ҳафта охирида мутолаа қилган китоблари асосида суҳбат ўтказилиб, яхши ўқиб берган мазмунли сўзлари учун мукофот берилади.**

**Мустақил давлатимизнинг гуллаб-яшнаши учун эркин фикрловчи, мустақил равишда иш юритувчи зиёли ходимлар керак. Шунинг учун эски қолипда дастурлаштирилган дарслардан воз кечиб, ҳар бир ўқитувчи янгилик излаши ва йўлини топа билиши лозим.**

**К. МИРУСМОНОВА,**
**Тошкентдаги 114-гимназия мактабининг олий тоифадаги бошланғич синф ўқитувчиси.**

*Иқтисодий билим асослари*

# ДАВР ТАЛАБИ

Бозор муносабатларини шакллантириш ёш мустақил Ўзбекистон давлати ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, шаклларини ўзгартириш, иқтисодиётда давлат монополизмига барҳам бериш, эркин иқтисодиётга, эркин рақобат ва нархга ўтиш, кишиларимизда эгалик туйғусини тарбиялаш борасида халқ таълими муассасалари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари педагогик жамоаларининг ҳам ҳиссаси бениҳоя катта. Зотан, умумтаълим мактабларида иқтисодий таълим ва тарбияни амалга оширмай туриб, мактабни бозор муносабатларига бурмай туриб, мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш анча қийин кечиши табиийдир.

Бозор иқтисодиёти, бозор муносабатларига муқобил йўл йўқ. Жаҳон амалиёти, АҚШ, Япония, Германия каби ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Шу боисдан биз ёшларимизни бозор иқтисодиёти шароитида яшай ва ишлай биладиган тадбиркор, ишбилармон қилиб тарбиялашимиз лозим бўлади. Улардаги «боқимандалик» кайфиятларига барҳам бериш, ўтиш давридаги қийинчиликлар туфайли рўй бераётган ишончсизликни йўқотиш, баъзи бир ота-оналарда учрайдиган эски буйруқбозликка асосланган социалистик иқтисодиётни қўмсаш каби ҳолларга чек қўйиш керак. Бу ишлар маърифий йўллар билан ҳам рўёбга чиқарилиши лозим.

Вилоятимиз шаҳар ва туманлари мактабларида амалга оширилаётган иқтисодий таълим ва тарбия давримизнинг ана шу долзарб муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашишга қаратилгандир. Икки йилдирки, вилоятимиз мактабларида Республика таълим илмий методика маркази томонидан ишлаб чиқарилган дастурлар асосида иқтисодиёт фанлари мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан ўқитилмоқда. Ўтган 1993/94 ўқув йилида иқтисодиёт фанларининг дастлабки «қалдирғочлари» (ўқитувчилари) пайдо бўлган бўлса, жорий йилда иқтисодиёт асослари босқичли таълим асосида 1-синфдан бошлаб 11-синфгача ўқитила бошланди. Мактабларимизда иқтисодий таълим ва тарбияни бошқа фанлар мазмунига киритиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. Мактабларимизда янги фан — «Иқтисодий билим асослари» ўқитувчиларининг эндигина шаклланаётган тажрибаларини ўрганиш ва энг яхшиларини оммалаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Яқинда вилоят халқ таълими бошқармаси кенгашида «Бухоро ва Пешку туманлари умумтаълим мактабларида иқтисодиёт ва ҳуқуқшунослик фанлари ўқитилишининг аҳволи» тўғрисидаги масалани муҳокама қилинди, бу соҳадаги дастлабки тажрибалар умумлаштирилди, камчилик ва етишмовчиликлар кўрсатилиб, вазифалар аниқланиб олинди. Шунингдек, умумтаълим мактабларида иқтисодий таълим ва тарбияни ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Мактабларда иқтисодий таълимни амалга ошириш борасида Бухоро тумани халқ таълими бўлими ва умумтаълим мактаблари педагогик жамоаларининг ишлари, айниқса, диққатга сазовордир. Ўтган йилнинг ноябрида тумандаги 15-мактабда иқтисодий таълим ва тарбия муаммоларига бағишланган туман иқтисодиёт фани ўқитувчиларининг амалий семинари бўлиб ўтди. Нега семинар бу мактабда ўтказилди? Чунки бу ерда «Иқтисодий билим асослари» 1-синфдан 11-синфгача мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан факультатив дарс асосида ўқитилади. Мактабда бозор иқтисодиёти, қонунлари ва муносабатларига бағишланган кўргазмалар билан безатилган алоҳида ўқув хонаси мавжуд. Иқтисодиёт дарслари шу хона (кабинет)да олиб борилади ва иқтисодий атамалар изоҳли луғат тахтаси ҳам юритилади. Олий тоифали ўқитувчи Х. Куйиковнинг фанни ўқитиш ва иқтисодий тарбия соҳасидаги иш тажрибаси эса оммалаштиришга лойиқдир.

15-мактабда ташкил этилган семинар унинг қатнашчилари учун сабоқ дорилфунуни бўлди, деб айтишга арзийди. Чунки анжуманда амалиётга катта эътибор берилди. Семинар қатнашчилари дастлаб 4, 10, 9-синфларда математика, физика, кимё фанлари дарсларида иқтисодий таълим ва тарбияни амалга ошириш усуллари ва мазмуни билан танишдилар. Сўнг ялпи йиғилишда Бухоро тумани ҳокимининг муовини Б. Қурбоновнинг «Туманда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши» ҳақидаги маърузасини тингладилар ва туманда амалға оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, фермер, якка деҳқон хўжалигини барпо этиш ишлари ҳақида маълумотлар олдилар.

Шунингдек, 3-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси М. Ҳамроевнинг «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитиш иш тажрибаси», туман халқ таълими бўлими услубшуноси С. Жўраеванинг «Бошланғич синфларда иқтисодий таълим-тарбия беришни амалга ошириш йўллари», 11- мактаб математика ўқитувчиси Х. Носировнинг «Математика дарсларида иқтисодий таълим-тарбияни амалга ошириш усуллари» мавзуларидаги маърузалари, айниқса, анжуманда қатнашаётган муаллимлар учун янги кашфиётдек туюлди. Мунозараларда иқтисодий таълим ва тарбияни амалга ошириш соҳасидаги камчилик ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш хусусида баҳс юритилди ва вазифалар аниқлаб олинди.

Ҳозир туман мактабларида иқтисодий таълим ва тарбияни амалга ошириш бўйича ишлар ўша ноябрь анжумани қабул қилган тавсиялар асосида олиб борилаётир. Бу ҳужжатда иқтисодиёт фанлари вазифалари, мақсадлари, иқтисодий таълим ва тарбия шакллари, мактаб ўқувчилари орасида тадбиркорликни қўллаш, ўқувчиларда иқтисодий тайёргарлик, тежамкорлик, иқтисодий тафаккурни тарбиялаш, шу мавзуларда кечалар ва учрашувлар ўтказиш, хусусий корхоналарга экскурсиялар уюштириш каби тадбирлар кўзда тутилган эди. Тавсияларнинг билим масканларида рўёбга чиқарилиши ўқувчилар иқтисодий билим сифатини ўсишига, таълимнинг ҳаёт билан боғланишига замин бўлаётир.

**Ш. ОРТИҚОВ,**
**Бухоро вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедрасининг мудири.**

# МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сон қарорига 3-ИЛОВА

## 1. Умумий қоидалар

1. Меҳрибонлик уйлари етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун давлат интернат таълим муассасасидир.

2. Меҳрибонлик уйлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив ҳужжатларга ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

3. Меҳрибонлик уйининг асосий вазифаси оилавий муҳитдан маҳрум бўлган болалар ва ўсмирларни тўлиқ руҳий соғломлаштиришга, ижтимоий-меҳнат мослашувига ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишга кўмаклашувчи уй шароитига энг кўп даражада яқинлаштирилган муҳитни яратишдир.

4. Меҳрибонлик уйлари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари тасарруфида бўлади.

5. Меҳрибонлик уйидаги болалар сони Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан санитария ва гигиена нормаларига риоя қилган ҳолда белгиланади, лекин тарбияланувчиларнинг сони 240 нафардан ошмаслиги керак.

6. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳар хил ёки бир хил ёшдаги тарбияланувчилар гуруҳларига бирлаштирилади. 7 ёшгача бўлган турли ёшдаги болалар гуруҳларида тарбияланувчилар сони 12 нафар қилиб белгиланади, бир хил ёшдаги тарбияланувчилар гуруҳларида эса: 4 ёшгача болалар — 10 нафар, 4 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар гуруҳида эса — 16 нафар бола бўлади; гуруҳ ва синфлардаги ўқувчилар сони I-IX синфларда — 25 киши, X-XI синфларда 20 киши бўлиши лозим.

7. Меҳрибонлик уйларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Меҳрибонлик уйлари қулай экологик шароитлар мавжуд бўлган жойларда ташкил қилинади.

8. Меҳрибонлик уйи мустақил юридик шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган, ўз номи ёзилган муҳрга, бурчакли штампга, варақа ва белгиланган намунадаги лавҳага эга бўлади.

9. Меҳрибонлик уйларида меҳнаткашларнинг хат, ариза, мурожаат ва шикоятларини кўриб чиқиш ишлари ҳамда фуқароларни қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган тартибда олиб борилади.

## II. Ўқув-тарбия жараёни тузилмаси ва уни ташкил қилиш

10. Ўзбекистон Республикасида етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун давлат интернат таълим муассасаларининг қуйидаги турлари фаолият кўрсатади:

а) мактабгача тарбия меҳрибонлик уйи;

б) меҳрибонлик уйи (мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун ёки фақат мактаб ёшидаги болалар учун);

в) махсус меҳрибонлик уйи (жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун).

11. Тарбияланувчиларни ўқитиш меҳрибонлик уйларига яқин бўлган бошланғич (I-IV синф), таянч (V-IX синф), ўрта (X-XI (XII синф) мактабларда ёки бошқа ўқув муассасалари (лицей, гимназия ва бошқалар)да, шунингдек, меҳрибонлик уйининг ўзида белгиланган тартибда ташкил қилинган таянч (ёки фақат бошланғич) мактабда амалга оширилади.

Таълимнинг ҳар бир босқичидаги ўқувчиларнинг ёши ва ўқиш муддати меҳрибонлик уйи ёки тарбияланувчилар ўқиётган ўқув муассасасининг Уставига биноан белгиланади.

12. Етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар билим олаётган ўрта ўқув муассасаларининг ўқув-тарбиявий ва бошқа масалалари меҳрибонлик уйи педагогик жамоаси билан яқин ҳамкорликда ҳал қилинади.

13. Меҳрибонлик уйларидаги ўқув ишлари етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларнинг руҳий-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиб, инсонпарварлик, демократик ва дунёвий тамойиллар асосида, ўқув дастурларини, маънавий, жисмоний ва меҳнат тарбиясини танлашга табақалаштирилган тарзда ёндашган ҳолда кўрилади.

14. Муассаса тарбияланувчиларнинг илмий билимлар асосларини, тадбиркорлик, меҳнат ва бошланғич касб малакасини давлат стандартига мувофиқ ҳолда ўзлаштиришини, шунингдек, болаларнинг шахсий ижодий қобилиятларини ва ахлоқий фазилатларини ўстиришни таъминлайди.

15. Меҳрибонлик уйлари болалар ва ўсмирлар умумий таълимини, тарбияланувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш талабларига мувофиқ уларнинг ҳаёти ва турмушини ташкил этиш шакл ва усулларини танлашда мустақилдирлар ва бунинг учун белгиланган тартибда жавоб берадилар.

16. Меҳрибонлик уйларидаги таълим ва тарбия ишларида тиллардан фойдаланиш «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

17. Мактабгача тарбия меҳрибонлик уйлари ўз фаолиятини мактабгача тарбия муассасаларининг тарбия Дастурига мувофиқ ташкил қиладилар.

18. Тарбияланувчиларнинг шахсий эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш, уларнинг бўш вақтларини ва дам олишларини ташкил қилиш мақсадида меҳрибонлик уйларида ҳам муассасанинг, ҳам бошқа давлат ва жамоат ҳамда хусусий ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига турли клублар, тўгараклар, студиялар ташкил этилади.

Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, маданий-эстетик, табиий-илмий, техник, спорт ва бошқа йўналишлардаги мактабдан ташқари муассасалар ишларида қатнашишлари мумкин.

19. Тарбияланувчиларнинг маданий-оммавий, спорт ва меҳнат фаолиятининг турли шаклларида қатнашиши ташаббускорлик, мустақиллик ва виждонийлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

20. Меҳрибонлик уйларида амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз йўриқнома ва низомлари асосида фаолият кўрсатадиган болалар, ёшлар жамоатчилик ташкилотлари ва бирлашмалари ташкил қилиниши мумкин.

21. Таътил вақтида болаларнинг дам олиши шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда, дала ҳовлиларида, шунингдек, туристик, спорт, соғломлаштириш оромгоҳларида, дам олиш уйларида, санаторийларда, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан ажратиладиган бепул йўлланмалар бўйича ташкил этилади.

22. Таълим, меҳнат, дам олиш ва турли тадбирларнинг тиббий-педагогик жиҳатдан ўзаро боғлиқлигини таъминлайдиган кун тартиби тарбияланувчиларнинг меҳрибонлик уйида кеча-кундуз доимий бўлишларини ҳисобга олган ҳолда тузилади ва муассаса Кенгаши томонидан тасдиқланади.

## III. Тарбияланувчилар

23. Меҳрибонлик уйларига йил давомида қуйидагилар қабул қилинади:

а) етим болалар;

б) суд қарори билан ота-онасидан ажратиб олинган болалар;

в) ҳукм қилинган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, узоқ муддатли даволанишда бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, турар жойи аниқланмаган ота-оналарнинг болалари.

24. Меҳрибонлик уйларига кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг болалари ҳам ушбу оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида вақтинча қабул қилинадилар. Шунингдек, меҳрибонлик уйларига ёлғиз оналарнинг фарзандлари ёки фақат ота-онасидан биттаси (отаси) бўлган болалар ҳам вақтинча қабул қилинадилар.

25. Меҳрибонлик уйларига йўлланма балоғатга етмаган бола яшайдиган жойдаги ҳокимликларнинг қарорига асосан, шу муассаса тасарруфида бўлган давлат таълимининг бошқариш органлари томонидан берилади.

26. Меҳрибонлик уйларига 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади.

Жисмоний ёки руҳий ривожланиш нуқсонлари бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар махсус умумтаълим мактаб-интернатларига ёки махсус меҳрибонлик уйларига юбориладилар.

27. Меҳрибонлик уйига юбориладиган ҳар бир бола учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) давлат муассасасига йўлланма;

б) ҳокимликнинг болани меҳрибонлик уйига жойлаштириш ҳақидаги қарори (қарорда балоғатга етмаган бола, унинг оиласи ва ишнинг ҳамма томонлари ҳақида асосланган, тўлиқ маълумотлар бўлиши шарт);

в) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, гувоҳнома бўлмаган тақдирда боланинг ёшини тасдиқловчи тиббий экспертиза хулосаси тақдим этилади;

г) боланинг соғлиги ҳақида тиббий ҳужжатлар (тиббий текширишлар натижалари илова қилинган ҳолда);

д) маълумоти ҳақида ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);

е) ота-онаси ёки болани асраб олган кишилар ҳақидаги маълумотлар (ота-онасининг вафоти ҳақидаги гувоҳнома нусхаси), суднинг ҳукми ва қарори, ота-онасининг сурункали касаллиги ёки қидирувда эканлиги ҳақидаги, ота-онасининг йўқлиги ёки уларнинг ўз фарзандларини тарбиялай олмаслиги ҳақида бошқа ҳужжатлар);

ж) боланинг турмуш-шароити ва тарбия ҳақидаги текширув далолатномаси;

з) боланинг ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа яқин қариндошлари мавжудлиги ва уларнинг яшаш жойлари ҳақида маълумотнома;

и) боланинг ота-онасидан қолган мол-мулки (агар бор бўлса) рўйхати, бу мулкнинг қаерда жойлашганлиги, уни сақлаш учун қандай чоралар кўрилганлиги ва уларни сақлаш учун жавобгар шахслар ҳақидаги маълумот;

к) болага турар жой бириктирилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

л) пенсия олувчи болаларнинг пенсия дафтарчаси, бола фойдасига алиментлар ундириш ҳақидаги суд қарори, омонат дафтарчаси.

Болани мазкур Низомнинг 24-бандига мувофиқ меҳрибонлик уйига жойлаштиришда юқорида кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга ота-онанинг аризаси, турар жойи ва оила аъзолари ҳақида ижтимоий таъминот органларидан маълумотномалар тақдим этилади. Бу ҳолда «е», «з», «и», «к», «л» кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим қилинмайди.

28. Бир оиланинг аъзолари бўлган болалар ва ўсмирлар ёки қариндошлар бир муассасага юбориладилар. Тиббий ёки бошқа сабабларга кўра ушбу болаларни алоҳида тарбиялаш керак бўлган ҳоллар бундан мустасно.

29. Тарбияланувчиларни мактабгача тарбия меҳрибонлик уйларидан меҳрибонлик уйларига ўтказиш 1 июндан 25 августга қадар амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларидан болаларни мактабгача тарбия меҳрибонлик уйларига қабул қилиш бола 3 ёшга тўлгандан сўнг ушбу Низомнинг 27-бандига мувофиқ амалга оширилади.

30. Битириб чиқаётган ёки меҳрибонлик уйидан бошқа жойга ўтказилаётган тарбияланувчиларга қуйидаги ҳужжатлар берилади:

а) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, 16 ёшга тўлганларга эса паспорт ҳам;

б) давлат муассасасида бўлгани ҳақида маълумотнома;

в) соғлиғи ҳақида маълумотнома (тиббий ҳужжатлар);

г) маълумоти тўғрисида ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);

д) ота-онаси ёки яқин қариндошлари ҳақида маълумотнома;

е) боланинг мол-мулкка, пул-маблағларига, турар жойга (ўзи ёки ота-онасига қарашли бўлган) эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, пенсия ва омонат дафтарчалари, алиментлар ундириб олиш тўғрисидаги ижро варақаси ва шахсий ҳужжатлар йиғма жилдидаги бошқа ҳужжатлар;

ж) муассасани битириб кетаётганда бола моддий ва пул нафақаси олганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

31. Тарбияланувчиларнинг меҳрибонлик уйларини битириб чиқаётганлиги ҳақидаги қарор муассаса Кенгаши томонидан қабул қилинади ва меҳрибонлик уйи бевосита бўйсунадиган давлат таълимини бошқариш органлари томонидан тасдиқланади.

32. Тарбияланувчиларнинг ўз ота-оналари ёки қариндошлари ёнига қайтиб боришлари муносабати билан уларни меҳрибонлик уйидан чиқариш Низомнинг 31-бандига мувофиқ ва боланинг ёши, йилнинг қайси даври ва қайтишининг сабабидан қатъи назар, боланинг турар жойидаги давлат таълимни бошқариш органининг тегишли хулосаси мавжуд бўлганда амалга оширилади.

33. Меҳрибонлик уйи директори болаларни қабул қилиш ва уларни муассасадан чиқариш учун ушбу Низом талабларига мувофиқ шахсан жавоб беради.

34. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг билим олиши ва тарбияси тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

35. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ озиқ-овқат, кийим, пойабзал, юмшоқ кўрпа-тўшак билан таъминланадилар.

36. Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари кинотеатрлар, кўргазмалар, музейлар, спорт иншоотларига бепул кириш ҳамда шаҳар жамоат (шаҳар атрофи) транспорт воситаларида (таксидан ташқари), шу жумладан, метрода бепул юриш ҳуқуқига эгадирлар.

37. Меҳрибонлик уйининг маъмурияти битирувчиларнинг ишга жойлашишларига, ўқув муассасаларининг навбатдаги босқичига кириб ўқишига зарур ёрдам кўрсатадилар.

38. Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиларига ҳунар-техника ўқув муассасаларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кираётганда ва ишга жойлашаётганда 3-иловага мувофиқ бир сидра янги кийим-кечак, пойабзал, асбоб-анжомлар, шунингдек, белгиланган норма бўйича дастлабки харажатлар учун бирйўла пул нафақаси берилади.

39. Меҳрибонлик уйларининг битирувчилари ҳунар ўқув юртини (ҳунар-билим юртини, ўрта махсус ва олий ўқув юртини) тугатгунга қадар, агар мазкур ўқув юртида ётоқхона бўлмаса ҳамда мазкур ўқув юрти ва меҳрибонлик уйи битта аҳоли пунктида жойлашган бўлса, меҳрибонлик уйларида тўлиқ давлат таъминотида яшаш ҳуқуқига эгадирлар.

40. Меҳрибонлик уйининг собиқ тарбияланувчилари — ҳунар, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари дам олиш ёки байрам кунларида, таътил вақтида меҳрибонлик уйига келганларида, у ерда бепул овқат ва турар жой билан таъминланадилар.

41. Битириб чиққандан сўнг бир йил мобайнида собиқ тарбияланувчининг бир корхонадан (муассасадан) бошқасига ўтиши зарурати туғилганда, у бир ойдан кўп бўлмаган вақт давомида меҳрибонлик уйи ҳисобидан бепул овқатланиши мумкин ва унга қайта ишга жойлашишда ёрдам кўрсатилади.

42. Тарбияланувчилар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ахлоқий ва одоб-ахлоқ нормаларига; меҳрибонлик уйининг ички тартиб-қоидаларига риоя қилишга; билимларни, амалий кўникмаларни, касб маҳоратини мунтазам ва пухта эгаллашга, ўзларининг умумий маданий савиясини ошириб боришга бурчлидирлар.

Тарбияланувчиларнинг бошқа ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, меҳрибонлик уйи Устави билан белгиланади.

## IV. Кадрлар

43. Меҳрибонлик уйига педагог ходимлар белгиланган контракт асосида қабул қилинади.

44. Тиббий хизмат кўрсатиш муассасасининг тиббиёт ходимлари томонидан (соғлиқни сақлаш муассасаларидан тор ихтисосдаги мутахассисларни жалб этган ҳолда) амалга оширилади, улар (маъмурият билан бир қаторда) болаларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш, санитария-гигиена нормативларига амал қилиш, тарбияланувчиларнинг овқатланиш тартиби ва сифати учун жавоб берадилар.

Меҳрибонлик уйларида даволаш-маслаҳат ёрдами ва ўтказилган даволаш-соғломлаштириш тадбирлари таҳлили маҳаллий соғлиқни сақлаш органлари томонидан амалга оширилади.

45. Меҳрибонлик уйларида таълим жараёнини психологик таъминлашни психолог амалга оширади.

## V. Меҳрибонлик уйини бошқариш

46. Меҳрибонлик уйининг давлат-жамоатчилик бошқаруви демократия, ошкоралик тамойиллари асосида ва муассаса жамоаси билан жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилади.

Муассасага умумий раҳбарликни унинг белгиланган тартибда тузилган ва иш юритадиган Кенгаши амалга оширади.

47. Муассасада ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик органлари: жамоанинг умумий йиғилиши (конференция), меҳрибонлик уйи Кенгаши фаолият кўрсатиши мумкин.

48. Меҳрибонлик уйига бевосита раҳбарликни тегишли давлат таълимни бошқариш органи белгиланган тартибда тайинлаган директор амалга оширади.

Меҳрибонлик уйи ўқув-тарбия жараёнининг аҳволига ва фаолиятига директор тўлиқ жавобгардир.

49. Меҳрибонлик уйи мазкур Низом ва унга мувофиқ ишлаб чиқилган, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан рўйхатга олинган Устав асосида фаолият кўрсатади.

Жамоа ҳаётининг мезон ва қоидалари (унинг ўзига хос хусусиятларини ва ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда) ходимлар ва тарбияланувчиларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган ва муассаса фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа масалалар Устав билан белгиланади.

50. Ҳар бир меҳрибонлик уйида ҳомийлик Кенгаши тузилади. У жамоатчилик органи ҳисобланади ва ўз олдига тарбияланувчиларнинг моддий таъминотини яхшилашга, меҳрибонлик уйининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва хўжалик фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беришни мақсад қилиб қўяди. Ҳомийлик Кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган Низом асосида амалга оширади.

## VI. Молиявий — хўжалик фаолияти

51. Меҳрибонлик уйларининг моддий-техника базаси зарур иморатлар, спорт иншоотлари, ер, коммуникациялар, асбоб-анжомлар, транспорт воситалари ва ўқитиш, тарбиялашда ҳамда таълим-тарбия соҳасидаги бошқа вазифаларни ҳал этишда фойдаланиладиган (муассасанинг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ бўлган) бошқа мол-мулкдан иборат бўлади.

Муассасанинг биноси техника хавфсизлиги қоидалари ҳамда санитария-гигиена қоидаларига мувофиқ жиҳозланади ва фойдаланилади.

52. Меҳрибонлик уйларини маблағ билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш давлат нормативлари асосида, республика ҳамда маҳаллий бюджетлар (муассаса кимнинг тасарруфида эканлигига қараб) ва қўшимча манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Моддий-техника базани ривожлантириш, шу жумладан, лойиҳалаш ва қуриш жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда устивор тартибда норматив асосда амалга оширилади.

53. Қуйидагилар маблағ билан таъминлашнинг қўшимча манбалари ҳисобланади:

қўшимча таълим хизматлари кўрсатишдан, амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа тижорат фаолияти турларидан тушган маблағлар:

муассасанинг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, корхоналари, цехлари ва хўжаликлари маҳсулотларини сотишдан, бинолар, иншоотлар, асбоб-анжомлар ва транспортни ижарага беришдан тушган даромад сифатидаги маблағлар;

маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг дотация тарзида берган маблағлари, банкларнинг кредит ва ссудалари;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, алоҳида шахслар қилган хайр-эҳсон пуллари ва қимматбаҳо ашёлар.

54. Меҳрибонлик уйи Кенгаши қўшимча манбалар орқали олинган маблағлардан мустақил фойдаланади.

55. Муассасаларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари олиб қўйилмайди.

Йил охирида тўпланиб қоладиган пул маблағлари қолдиғи, олинган манбаларидан қатъи назар, олиб қўйилмайди ва таълим муассасаси Кенгашининг хоҳишига биноан сарфланади.

56. Меҳрибонлик уйлари мавжуд иш ҳақи маблағлари доирасида ставкаларга, лавозим маошларига табақалаштирилган қўшимчалар белгилаш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришни ташкил этишнинг турли шаклларини мустақил равишда қўллаш ҳуқуқига эга.

57. Муассасада бухгалтерия ва статистика ҳисобини юритиш тартиби белгиланган тартибда бошқариб борилади. Ҳисоб-китоб операциялари тўлов топшириқномалари ва чек дафтарчалари бўйича амалга оширилиши мумкин.

58. Муассасанинг ҳужжатларни юритиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги белгилаган тартибда олиб борилади.

59. Меҳрибонлик уйлари ҳузурида белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Низом асосида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилиши мумкин.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ушбу хўжаликларни ривожлантиришга, уларга зарур қишлоқ хўжалиги ерлари, ем-хашак, уруғлик, ёнилғи-мойлаш материаллари ва шу кабиларни ажратишга ёрдам берадилар.

## VII. Халқаро ҳамкорликда қатнашиш

60. Меҳрибонлик уйлари, қонунчиликда белгиланган тартибда, ҳозирги даврдаги етимлик, етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар таълими муаммолари бўйича халқаро ҳамкорликда қатнашадилар.

Меҳрибонлик уйлари хорижий мамлакатларнинг ўқув юртлари, илмий муассасалари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эгадирлар.

# МЕҲР-МУРУВВАТЛИ БЎЛАЙЛИК

**Етим-есирларнинг бошини силаш, кўнглини шод айлаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш халқимизнинг азалий савобли удумларидан биридир. Қувонарли томони шундаки, юртимиз мустақилликка эришганидан буён ҳам кўплаб ҳомийлар саховати туфайли тақдир тақозоси билан ота-онасиз қолган болаларга ёрдам кўрсатилмоқда.**

**Наврўз байрами арафасида Юнусобод туман халқ таълими бўлимида хайрия тадбири бўлиб ўтди.**

**— Болажонлик халқимизга хос бебаҳо фазилат, — дейди Юнусобод тумани халқ таълими бўлими мудири М. Одилова. — Айрим сабабларга кўра, ота-онасиз қолган болаларни кўпчилик ҳолларда уларнинг бува-бувилари, амма-холалари, тоға-амакилари ўз тарбияларига олиб, оқ ювиб-оқ тараб вояга етказадилар. Менимча, биринчи навбатда ана шундай болаларга кўмак бериш жоиздир. Туманимизда яқинлари қаровида қолган болалар 122 нафарни ташкил этади. Бугунги шодиёнада уларнинг барчаси боқувчилари билан иштирок этишмоқда.**

**Болажонларнинг ҳаммасига куртка, шим сингари кийим-кечаклар, турли хил ширинликлар, қандолат ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.**

**Кечага йиғилганларни тумандаги 274-мактаб ўқувчилари ва 537-боғча тарбияланувчилари театрлаштирилган томошалар, она-Ватан, халққа садоқат руҳидаги шеърлари билан хушнуд этдилар.**

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**







**Суратларда: Наврўзга бағишлаб ўтказилган хайрия кечасидан лавҳалар.**

**Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.**

*«Шуҳрат» нишони соҳиблари*

# МАКТАБДА КЕЧАЁТГАН УМР

Жаббор университетни битириб Тошкентда қолмоқчи, илмий иш билан шуғулланмоқчи эди. Бироқ қишлоғига бордию, фикри ўзгарди. Киндик қони тўкилган тупроқ, қадрдон ва азиз қишлоқдошларининг меҳри уни оҳанрабодек ўзига тортди. Бир қанча вақт ўйга толиб юрди. Ороми, бахти-саодати қишлоғида эканлигини дил-дилидан чуқур ҳис этди.

Мана Жабборнинг ўзи ўқиган Амир Темур номидаги мактабда ишлаётганига ҳам 22 йил бўлибди. Ўқувчиларга химия фанини ўқитмоқда. Устозлари билан бир сафда хизмат қилаётир. Марҳум устози Сайфулла ака Ҳусаинов уни химия фанига қизиқтирган эди.

Сайфулла ака идишларга турли суюқликлар қуйиб, мўъжизалар яратар, шогирдлар дилига ҳад-ҳудудсиз завқ-шавқ солиб қўярди. Бироқ ёшликдаги орзу-ҳаваслар бошқа, ҳаёт бошқа экан. Ҳар ким ўз йўлидан кетди. Аммо Жабборнинг қизиқишлари бориб-бориб мақсадга, қисматга айланди.

Жаббор Нурматов замонавий асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланган химия хонасида дарс берарди. 22 нафар иқтидорли бола жон қулоғи билан дарсни тинглайди. Муаллим шу тобда педагогга эмас, балки саҳнада берилиб роль ижро этаётган санъаткорга ўхшайди.

Химия лабораториясида «лакмус» деган аниқлагич ишлатилади. У кислота эритмасида қизаради, ишқор эритмасида эса кўкаради. 8-синф ўқувчилари ҳали бу сирдан бехабар. Ўқитувчи ҳар бирининг қўлига кислота эритмаси солинган идиш берди. Бир ўқувчининг қўлида эса ишқор эритмаси. Ўқитувчи уларга лакмус эритмаси томизишни буюрди. Болалар вазифани адо этишгач қарашсаки, барчанинг идишидаги эритма қизғиш. Бир боланинг ушлаб турган идишидаги эритма эса кўкиш тусда. Буни кўриб болалар ҳайратланишди. Муаллим мийиғида кулиб, гап нималигини тушунтирди. Дарс вақти тугаганлигини билдириб, қўнғироқ жиринглади. Бироқ болалар қизиқарли дарснинг тугашини истамасдилар. Тажрибалар ўтказиш билан химия синоатларини янада кўпроқ билиб олгилари келарди...

Ўтган йиллар бесамар ўтмади. Ўзининг изланувчанлиги, ташаббускорлиги ва билимдонлиги туфайли муаллим катта обрў қозонди. Давраларда ўқитувчилар ҳақида гап кетганида, унинг тўғрисида илиқ гаплар айтишади.

У анча вақтдан буён туман халқ таълими бўлимининг жамоатчи методисти, химия ўқитувчилари бирлашмасининг раҳбари. Бу юмушларда ҳам Жаббор ака ўзини кўрсатаётир. Унинг иш тажрибалари туман ва вилоят миқёсида оммалаштирилган.

Истеъдод соҳиби ўз устида тинмай ишламаса, изланмаса, табиат ато этган бебаҳо қобилият ҳам маъдан қаъридаги хазинамисол яшириниб ётаверади. Меҳнат ва ҳаракатгина уни юзага чиқаради. Жаббор ака буни яхши билади. Шунинг учун ҳам тинмай изланади. Билмаганларини сўраб ўрганишдан ор қилмайди. Барча педагогик ўқишларда фаол қатнашади. У кўпдан буён химия дарсларида муаммоли таълим хусусида бош қотириб юрибди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди:

— Бу усул билан дарс ўтилганида ўқувчилар олдига маълум бир муаммо қўйилади. Муаммо мавзу юзасидан ёхуд ўқитувчи томонидан бевосита сунъий равишда ўйлаб топилиши мумкин. Энг муҳими, уни ҳал этишда бола бош қотиради. Ўқитувчи ёрдамида ёки ўзи муаммони ҳал этади ва ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.



Дарҳақиқат, муаллим ҳақ. Унинг ўтаётган муаммоли химия дарсларига қизиқиш кун сайин кучайиб бораётир. Муаллим мактабнинг ислоҳ қилинишига хайрихоҳ. 1992 йилда Жаббор аканинг ташаббуси билан химия фани дарсларини алоҳида дастур асосида чуқур ўрганувчи синфлар ташкил этилди. Бу синфларда эса мазкур фанга қизиқиши зўр, лаёқатли ўқувчилар танлаб олинди.

Пировард натижада унинг шогирдлари орасида истеъдодлар етилиб чиқмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ икки шогирди ёш химикларнинг вилоят олимпиадасида иштирок этиб, II ва III даражали дипломларни қўлга киритди. 1993 йилда уч ўқувчига бундай дипломлар насиб этди. 1994 йил эса 5 нафар ўқувчи олимпиадада қатнашиб, 2 ўқувчи биринчи ўринни олишга муяссар бўлди. Республика олимпиадасида ҳам улар ўзларини кўрсатмоқдалар. Улардан бири Нодира Абраева Улуғбек номидаги стипендияни олаяпти.

Муаллимнинг орзуси ўқувчиларни жаҳон миқёсидаги беллашувларда ғолиб кўриш.

— Жаббор Нурматов билан биз ҳақли равишда фахрланамиз. Бошқа ўқитувчиларга уни намуна қилиб кўрсатамиз. Кошкийди бошқа ўқитувчилар ҳам у сингари ташаббускор бўлса, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Тоҳир Мойлиев.— Яқин кунларда Ҳамид Олимжон номидаги мактаб биносида химия ва математика фанлари бўйича лицей очиш ниятидамиз. Бу ишларнинг ташкилотчиси Ж. Нурматов билан И. Шакаровлар бўлишади., — дейди биз билан суҳбатда туман халқ таълими бўлими инспектори И. Аҳмедов.

Жаббор ака педагог сифатида беназир ўқитувчи бўлиш билан биргаликда оилада ҳам кўпларга ибрат қилса арзигулик инсон. Унинг жуфти ҳалоли Тожихон Узоқова агроном бўлиб хизмат қилади. Кўзмунчоқдек олти нафар ўғил-қизлари одоб-ахлоқли, ота-оналари сингари камтарин ва хушфеъл кишилар бўлиб камолга етишмоқда.

Олий тоифали педагог, бир неча фахрий ёрлиқлар ва нишонлар соҳиби Жаббор Нурматов яна бир шодликдан бахтиёр бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра ўқитувчи Жаббор Нурматов беқиёс хизматлари учун «Шуҳрат» нишони билан мукофотланди. Бу хабар Қамашида кенг ёйилди. Ҳамкасблари буни Ж. Нурматовгагина эмас, балки ўзларига ҳам берилган юксак ишонч сифатида қадрлашмоқда.

**Шарофат ИСКАНДАР қизи.**

*Спорт*

## ТЕННИСЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Республикамизда спортнинг кўпгина оммавий турлари қаторида теннисни ривожлантиришга эътибор ортиб бораётир. «Пахтакор» стадиони ёнидаги теннис кортида республикамизнинг Фарғона, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри спорт клублари, «Динамо» спорт жамиятларига қарашли спортчи ўқувчиларнинг теннис мусобақалари тантанали очилишида шу ҳақда сўз юритилди.

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги ва Наврўз байрами муносабати билан уюштирилган теннис мусобақасини Ўзбекистон Республикаси Спорт қўмитаси раиси муовини Ш. Тўлаганов кириш сўзи билан очиб, мазкур беллашув Ўзбекистонда анъанага айланаётган Президент кубоги учун бўладиган мусобақаларда моҳир теннис усталари сафини кенгайтиришда муҳим омил бўлади деб, ишонч билдирди.

Спорт байрами очилиши маросимида Улуғбек фонди раиси И. Латипов, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши раиси М. Ҳайдаров мусобақа қатнашчиларини қўшалоқ байрам билан қутлаб, қизғин беллашувларда уларга омад тиладилар.

Мусобақа очилиши маросимида Республика Халқ таълими вазирлиги, Спорт қўмитаси, спорт жамиятлари вакиллари иштирок этишди.

23-30 март кунлари мобайнида 11 та команда аъзолари ғолиблик учун ўзаро куч синашадилар.

**Мухбиримиз.**

*Наврўзимиз — бойлигимиз*

## БАЙРАМ НАШИДАСИ

Наврўз айёми каттаю кичикка эзгулик, меҳр-шафқат, хурсандчилик, завқ-шавқ улашади.

Бу йилги Наврўз айёми файз, тароватн билан аввалгиларидан ўзгачадир. Байрам байрамларга уланмоқда. Жумладан, Рамазон ҳайити, Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март кетидан Наврўз айёми келди.

Наврўз байрами жойларда ўзига хос тантаналар билан кутиб олинмоқда. Республика ўқувчилар саройининг педагогик ва ўқувчилар жамоаси Наврўз айёмини алоҳида тайёргарлик билан қарши олди. Саройдаги мавжуд тўгаракларда Наврўзга бағишлаб байрам дастурлари тузилди. Ганчкорлик, ҳайкалтарошлик, техниклар, наққошлик, тасвирий санъат, бичиш-тикиш ва тўқиш сингари тўгараклар шулар жумласидандир.

Бичиш-тикиш ва тўқиш тўгараги аъзолари ўзлари тиккан ва тўқиган миллий либосларни намойиш қилдилар. Чиройли, бежирим тайёрланган либосларнинг муаллифларига ганчкорлик, ҳайкалтарошлик, наққошлик, тасвирий санъат тўгараклари аъзоларининг байрамга бағишлаб ишлаган эсдалик совғалари топширилди.

— Наврўзга ҳозирлик тадбирларини февраль ойидан бошлаб юборганмиз,— дейди Республика ўқувчилар саройи директори, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи Олияхон Иброҳимова.— Жамоамиз байрамни умумхалқ ҳашаридан бошлади. Ўқувчилар саройи ва унинг атрофи, кўчалар, ариқлар тозаланди. Дарахтлар оқланди. «Юлдуз» рақс ҳамда «Бойчечак» ашула ва рақс дасталари шаҳримиздаги 41, 136 ва бошқа мактабларда бўлишиб, байрам дастурларини намойиш қилдилар. «Чаман» доирачилар дастаси эса Шайхонтоҳур туманида ўтказилган «Наврўз сайли»да иштирок этди.

Ўқувчилар масканида «Варраклар кўриги», «Наврўз мушоираси» ҳам ўтказилди. Шуниси қувонарлики, ўзга миллат болалари Наврўз урф-одатлари, унга бағишланган куй, қўшиқ, шеър ҳамда миллий рақсларни ўргандилар. Шунингдек, араб тили тўгараги аъзолари ҳам «Куйлаймиз Наврўз нашидасини яллалар, лапарлар билан» деб номланган тадбирда зўр қизиқиш билан иштирок этдилар.

Ўқувчилар масканининг қўли гул пазанда ва қандолатчи қизлари томонидан тайёрланган маҳсулотлардан «Наврўз таомлари» дастурхони безатилди.

Байрамга бағишлаб деворий газета чиқарилди. Унда гуллар фасли баҳор ва кўкаламзор оламнинг висолини намоён этувчи Наврўз ҳақида ҳикоя қилинади.

Республика ўқувчилар саройининг аҳил жамоаси Наврўз байрами кунларида пойтахтимиз сайлгоҳларида ўз бадиий ҳаваскорлари билан минглаб томошабинларни хушнуд этдилар.

**Дилбар ХЎЖАЕВА.**

*Ҳамкасблар ижодидан*

### ХОР ДЕМИШКИ

*Ғунча лаб очмиш ўзидан*
*пастда турган хорга:*
*- Сен менга қайдин ёпишдинг?*
*Мен — нозик дилдорга.*
*Хор демишки, эй нозанин,*
*посбонман ағёрга.*
*Чекмасам ранжу алам.*
*етмасдинг сен ёрга.*

### САДО ҚИЛДИМ

*Ҳаётда дўстни танлашда,*
*ажаб, мен бир хато қилдим.*
*Эзар кўксимни бу тун-кун,*
*ўзимга чин жафо қилдим.*
*Хатонинг юкидин қаддим*
*эгилди мўрт ниҳол янглиғ,*
*Расолар олдида эмди*
*дуторде мунг, наво қилдим.*
*Нетай, мен энди бой бердим,*
*умрнинг йўллари қисқа.*
*Туман қўйнида қолгандек,*
*нечук, аччиқ ҳаво қилдим.*
*Кимики ақли ёр ўлса,*
*ўзига яхши дўст топсин,*
*Учарга у қанот бўлғай,*
*юракни кенг само қилдим.*
*Насиҳат айларам, дўстлар,*
*ҳаётдан сиз олинг ибрат,*
*Менам бир машраби Баҳром*
*эшитганга садо қилдим.*

### ШОИРЛАР

*Даврон юки елкасида,*
*елкаси тоғ шоирлар.*
*Ижодлари турфа-турфа*
*гуллаган боғ шоирлар.*
*Боғаро ҳар шому саҳар*
*гул терарлар битталаб,*
*Гулни жамлаб тутса элга,*
*дили яшноқ шоирлар.*
*Нурдек нафис, гулдек нозик,*
*оқ варақдек оқ кўнгил.*
*Руҳи андек чекса озор,*
*бўлар носоғ шоирлар.*
*Дўстга - дўст у, ёвга ботир,*
*олмос каби ўткир-эй.*
*Аччиқ тили бошларида*
*гоҳо тўқмоқ шоирлар.*
*Шоир феъли турфароғу*
*ҳақ йўлидан қайтмаган,*
*Боболари шоҳ Машраб,*
*дорга «ўртоқ» шоирлар.*
*Ўтли замон, гоҳи зиндон*
*қўлда занжир, не азоб...*
*Лек ҳаловат топмади ёт,*
*шеъри уйғоқ шоирлар.*
*Ўзбекистон зар тўнли юрт,*
*бўй кўрсатган жаҳонда.*
*Зар тўнингни ёқасида*
*бир кўзмунчоқ шоирлар.*

**Баҳром МАҲМУД,**
**Қашқадарё вилоят халқ таълими бўлими ходими.**

*Мозийга назар*

***Сулаймон Азимов республикамизда кўзга кўринган файласуф олим, забардаст журналист-матбуотчи, маърифатпарвар мураббийдир.***

***Ҳозирги кунда ўз умрининг 90 ёшига қараб кетаётган бу отахон устоз салкам 70 йилдан буён фанимиз, маориф-маданиятимизни ривожлантириш йўлига бутун шуурини, куч-ғайратини бағишлаб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Сулаймон Азимов кўп йиллар Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев раҳбарлигида ишлаб, халқимиз руҳи ва онгини чуқур идрок этди.***

***С.Азимов ўқув юртларимизда муаллимлик, маданий-оқартув муассасаларимизда раҳбар, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири, 17-18 йил мобайнида машъум шахсга сиғиниш тазйиқининг жабрини тортгач, юртимизга қайтиб, маданият министрининг ўринбосари, Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими бўлиб ишлади. Классик мақомларимизни тўплаш, таснифлаштириш ва нашр этишда жонкуяр ташаббускор сифатида раҳбарлик қилди.***

***Сулаймон Азимов — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбобидир.***

***Отахон устознинг ўткир қалами ҳамон тинмай ишлаб турибди. У ўзининг бой мазмунли ҳаёт тажрибаси ва билимини замондош авлод билан баҳам кўрмоқда. Қуйида унинг хотираларидан бири билан танишасиз.***

**Сулаймон АЗИМОВ**

# ЎЛКА ЎЗБЕК МАКТАБИ

— Халқимиз моддий ва маънавий маданияти хазинасида тўпланган бойлик беқиёсдир. Мана шу бойликни яратган халқимиз фидойи фарзандларининг фаолиятини эслаш ва ўрганиш мустақил мамлакатимиз манфаатларига хизмат қилади. Негаки, Сталин шахсига сиғиниш даврининг тазйиқи туфайли улар адолатсиз равишда унут бўлиб келган эди. Бугунги авлод у зотларнинг номлари ва фаолиятларини эндигина танимоқда. Ваҳоланки, ҳозирги замон меъёри билан ўлчасак, уларнинг ишлари катта кашфиёт, ўзлари эса истеъдодли олим эдилар.

Мен ўшандай маърифатпарварлардан баъзиларининг номини тилга олмоқчиман. Ўша устоз мураббийларни шахсан танир эдим, улардан таълим-тарбия олганман. Чунончи, Назир Иноятий — Тошкентда очилган Ўлка ўзбек намуна-тажриба иш мактабининг мудири, Эшон-бобо қори Исломов, Абдужаббор қори Сиддиқий мактабнинг етакчи муаллимлари, мудирнинг яқин ёрдамчилари эдилар. Менга ана шу муҳтарам зотлар билим берганлар.

Тошкентнинг Бешёғочида 20-йиллари биринчи марта Ўлка ўзбек намуна тажриба иш мактаби очилган эди. Ҳозирги таъбир билан айтсак, бу ўша даврнинг политехника мактаби эди. У ўрта мактаб бўлиб, ўқиш муддати тўққиз йил эди. Болалар қишин-ёзин ўқитиб-ўргатилар, ётоқхона билан таъминланар, уларга бепул овқат, кийим-кечак берилар эди. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ўша вақтда ўғил болалар билан қиз болаларни бирга ўқитиш шу мактабдан бошланган эди. Ўқувчиларга турли фанлардан ташқари дурадгорлик, тикувчилик, зироатчилик, ҳаттоки сартарошликкача ўргатиларди.

Биз Юнус Ражабий, унинг акаси Рисқи Ражабий, Имомжон Икромов каби санъаткорлардан музика дарслари олардик. Зироатчилик ишлари учта катта боғда олиб борилар эди: Оққовоқдаги 120 гектарли, Қатортолдаги 15 гектарли, ҳозирги «Ўзбекфильм» киностудияси ўрнидаги 5 гектарли мевазор ва экинзорларда муаллимларимиз бошчилигида болаларнинг ўзлари ишлардилар.

Мактабимизда фанларни ўқитиш амалий тажрибалар асосида олиб борилиши сабабли, мудиримиз ва муаллимларимиз лабораторияларни асбоб-ускуналар билан тўла-тўкис жиҳозлаш учун тинмай ҳаракат қилардилар, Эсимда, Германиянинг Гамбург шаҳридан олинган асбоб-ускуналарни физика кабинетига ўзимиз ўрнатганмиз. Бундай кабинетларга муайян фандан дарс берадиган муаллим раҳбарлик қилар, унга ўқувчилардан биронтаси ёрдамчи этиб тайинланарди.

У пайтларда телевидение йўқ, радио эса камдан-кам жойларда бўлар эди. Дам олиш кунларини, кўнгилочар кечаларни ўзимизнинг чолғу-ашула тўгараклари ҳаваскорларининг концертлари билан ўтказардик, Аммо асосий машғулотларимиз билим олиш, бадан тарбия машқлари қилиш, меҳнат дарслари — экин-тикин ишларига қарашдан иборат бўларди.

Биз уч маҳал овқатланардик. Овқат пишириш, сузиб тарқатиш ишларига ошпаз билан унинг ёрдамчиси қараса, қолган вазифаларни болаларнинг ўзлари бажарар эдилар. Улар, чунончи, дўконлардан гўшт-ёғ, бошқа масаллиқлар олиб келар, идиш-товоқларни ювар, ўтин-кўмир, сув ташиб берар, ошхонаю емакхонани супириб-сидирар эдилар. Шу тариқа биз рўзғор икир-чикирлари, хўжалик кам-кўстларини саранжомлашни ўрганардик. Зироатчилик ишларимизга келсак, пахтаю дон-дун, мева-чеваю ем-хашаккача ҳосилнинг ҳаммасини ўзимиз йиғиб олар, омборга тўкар, ғарам қилиб бостирар эдик.

Ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари, муаллимларимизга бўлган иззат-ҳурматлари, умуман мактабдаги соғлом муҳит болаларнинг пухта билим олишига, жамият учун муносиб кишилар бўлиб вояга етишига хизмат қиларди... Хуллас, мудиримиз Назир Иноятий, муаллимларимиздан Эшонбобо қори Исломов, Абдужаббор Сиддиқий, Усмон Дадамуҳамедов каби маърифатпарвар устозлар бор онг-шуурларини, куч-қувватларини, меҳр-шафқатларини ёш авлодга таълим-тарбия беришга бағишлаган фидойи кишилар эдилар.

Мураббийларимизнинг табиати, ташқи қиёфалари ҳамон кўз ўнгимда гавдаланади. Улар самимий, меҳр-шафқатли, покиза ниятли, мурувват-ҳимматли, ҳеч кимдан ёрдамини аямайдиган, бировга мадад беришга ҳамиша тайёр — олижаноб кишилар эдилар.

Мудиримиз Назир Иноятий барваста, бўйи-басти келишган, вазмин, ўйлаб гапирадиган, истараси иссиқ, ажойиб одам эди. Ўзини ҳеч катта тутмаганлиги учун ҳаммамиз уни яхши кўрардик. Уст-бошини айтсак, оддийгина кийинар, олифталикни ёқтирмас, замонасининг иқтисодий ва расмий талабларга риоя қилар эди. Болалар ундан тортиниб-ҳайиқмас, оталари билан сўзлашгандай муомала қилаверар эдилар.

Эшонбобо қори мудиримизга қараганда бўй-басти пастроқ, тўлароқ, кўзлари катта-катта одам эди. У ҳам истараси иссиқ, хушрўй, гапни жойига қўйиб гапирадиган эди. Балки тил-адабиёт муаллими бўлгани учундир, уни қори дейишарди. Дарс ўтаётганида ҳам болаларга отадек меҳрибонлик билан гапирар, ўзига маҳлиё қилиб оларди.

Абдужаббор қори Сиддиқий улардан бир-икки ёш кичикроқ эди. У ҳам хушрўй, иккала ҳамкасабасига қараганда хушчақчақроқ эди. Ўзи танилган маърифатпарварлардан, куч-ғайрати доим қайнаб турадиган, жуда серму-лоҳаза, зукко кимса эди. У Назир Иноятийнинг маслакдоши, фикрдоши, қолаверса, куёви эди; ҳисобдан дарс берар, хати чиройли муаллимларимиздан эди.

Мактабимиз мудири ҳам, муаллимлари ҳам биз, ўқувчилар билим олиш, жисмоний чиниқиш билангина чекланиб қолмай, маънавий бой ижодий кишилар бўлиб етишмоғимиз учун меҳнатларини аямасдилар. Масалан, Назир Иноятий, керак бўлса, драмтўгарагимизга раҳбарлик қилишдан ҳам, пьесанинг қаерида қайси ролни қандай ижро этишни кўрсатиб, ёрдам беришдан ҳам эринмасди. Тахминан, йигирма олтинчи йиллар бўлса керак, Фитратнинг «Ҳинд ихтилочилари» деган пьесасини саҳнага қўйганимиз эсимда. Унда Диновос деган ҳинд қизи билан Раҳимбахш исмли ҳинд йигитининг севги-муҳаббати тасвирланади. Уларнинг бир-бирига садоқати Ҳиндистондан инглиз мустамлакачиларини ҳайдаб чиқариш учун, Ватан мустақиллиги учун курашга хизмат қилади. Ўшанда мен ҳам кичикроқ бир ролда чиққан эдим.

Деворий газета чиқариш ҳам фикр доирамизни кенгайтириб борарди. Ҳар қайси синф ўз газетасини чиқарарди. «Қовоқ ари» деган умумий газетамиз ҳам бўлиб, унда мактабдаги катта-кичик — ҳамма иштирок этарди. Бундан ташқари, Озарбайжон, Татаристон Бошқирдистондан газета-журналлар келиб турар, бу матбуот хабарлари дунёдаги ишлардан яхшироқ хабардор бўлишимизга ёрдам берарди.

Ўлка ўзбек намуна тажриба иш мактабида мен 1928 йилгача ўқидим. 9-синфда ўқувчилар озайиб қолгани учун бизни педагогика техникуми билан бирлаштирдилар. Техникумни битирганимдан сўнг мени мактабимизга муаллим қилиб тайинладилар. 1928/29 ўқув йилидан сўнг мени Самарқандга ишга юбордилар.

Афсуски, Намуна иш мактаби узоқ давом этмади, тоталитаризм кирдикорларига бардош беролмай, 30-йиллар бошида тугатилди. Агар мактаб фаолияти ўша даврдагидек давом этганида эди, бугун фанимиз, маданиятимиз яна қанчадан-қанча етук олимларга, мутахассисларга эга бўларди.

Маърифатпарвар устозларимиз Назир Иноятий, Эшонбобо қори Исломов, Абдужаббор қори Сиддиқий, Усмон Дадамуҳамедов шахсга сиғиниш даврининг қурбонлари бўлдилар. Назир Иноятийни «халқ душмани» деб қамаб юбордилар. Яқинда эшитсам, ўттиз саккизинчи йилда отилган экан. Эшонбобо қори Исломов ҳам «халқ душмани» тамғаси босилиб қамалган. У лагерларда юриб-юриб, ҳолдан тойиб қайтиб келибди. Абдужаббор қори Сиддиқий, Усмон Дадамуҳамедовлар қамалмаган, лекин ҳаммаёқдан суриб чиқарилганлар...

Ёш авлоднинг чексиз ғамхўрлари, таълим-тарбия ишининг фидойилари бўлган устозларимизнинг азиз номлари халқимиз тарихида изсиз қолмаслиги керак, деб ўйлайман.

**А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1995 йил апрель ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.**

1. Туман (шаҳар) ХТБ мудирлари — ўзб. гуруҳи — 3-29 апрель
2. Туман (шаҳар) ХТБнинг жуғрофия фани методистлари — ўзб. гуруҳи — 3-29 апрель
3. ВЎМОИ ва ВПХМОИ ўқув ишлари бўйича ректор муовинлари — ўзб. гуруҳи — 3-8 апрель
4. Мактаб директорлари (Бухоро) — ўзб. гуруҳи — 10-29 апрель
5. Ўзбек тилини чуқур ўрганадиган мактабларнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари — ўзб. гуруҳи — 3-29 апрель
6. Ўзбек тили ва адабиёти фани методбирлашма раҳбарлари — ўзб. гуруҳи — 3-29 апрель
7. Янги дастур асосида тарих ўқитувчилари — ўзб. гуруҳи — 3-29 апрель
8. Олий ва 1-тоифали математика ўқитувчилари — ўзб. гуруҳи — 3-29 апрель
9. Инглиз тили ўқитувчилари учун мақсадли курс — аралаш гуруҳи — 3-15 апрель
10. Ўзбек мактабларининг олий ва 1-тоифали рус тили ўқитувчилари — рус гуруҳи — 17-29 апрель
11. Биология ўқитувчиларининг методбирлашма раҳбарлари — ўзб. гуруҳи 3-29 апрель
12. Кимё ва биология фанларидан муаммоли курс (Навоий) — ўзб. гуруҳи — 17-29 апрель
13. Жисмоний тарбиядан мақсадли курс (Андижон) — ўзб. гуруҳи — 17-29 апрель
14. ЭҲМни ўқув жараёнига тадбиқ этиш (чет тили ўқитувчилари учун) — ўзб. гуруҳи — 3-15 апрель
15. ЭҲМни ўқув жараёнига тадбиқ этиш (математика ўқитувчилари) — ўзб. гуруҳи — 17-29 апрель
16. Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатларнинг мусиқа ўқитувчилари — ўзб. гуруҳи — 3-29 апрель
17. Мактаб-интернат ва болалар уйларининг тарбиячилари (Қарши) — ўзб. гуруҳи — 17-29 апрель
18. Олий ва 1-тоифали меҳнат ўқитувчилари (бичиш- тикиш) — ўзб. гуруҳи — 3-29 апрель
19. Мусиқа ўқитувчилари учун муаллифлик курси (Ибрагимов О) Тошкент вилояти — ўзб. гуруҳи — 17-29 апрель
20. МУПК директор муовинлари (МУИЧК) ўзб. гуруҳи — 3 — 29 апрель
21. Соғлом авлодни шакллантиришнинг психологик асослари (Навоий) — ўзб. гуруҳи — 17-22 апрель
22. Олий ва 1-тоифали инглиз тили ўқитувчилари (Сурхондарё) — аралаш гуруҳи — 10-29 апрель
23. Ўзбекистон Давлат ва ҳуқуқ асослари Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари учун (Фарғонада) — ўзб. гуруҳи — 3-22 апрель
24. ВЎМОИ ва ВПХМОИ илмий-методик ишлар бўйича директор, ректор муовинлари — ўзб. гуруҳи — 24-29 апрель
25. Соғлом авлодни шакллантиришнинг психологик асослари (Хоразм) — ўзб. гуруҳи — 3-8 апрель
26. Янги типдаги мактаб (гимназия)ларнинг бошланғич синф ўқитувчилари — ўзб. гуруҳи — 3-15 апрель
27. Чақириққача ёшларнӣ тайёрлаш раҳбарлари — рус гуруҳи 3-29 апрель

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар, йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари институт ҳисобидан тўланади.

24 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 3-5 апрелгача қабул қилинадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, С.Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси тел: 46-98-04, 46-06-62, 46-06-67.

**Республика мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсида 1995 йил 1 апрелдан 28 апрелгача навбатдаги курслар ишлай бошлайди.**

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

I. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудирлари;

Мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари — 1.04—28.04.1995 йил.

II. Вилоят, туман, шаҳар ХТБ назоратчилари ва услубчилари (қисқа муддатли курс) — 1.04—18.04.1995 йил.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 2-5 апрелгача қабул қилинадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй, Талабалар шаҳарчаси.

Телефон: 46-98-04, 46-06-62.

**Бектемир туман халқ таълими бўлими 293-мактаб жамоаси шу мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Худойбердиев Шавкиддин акага ўғли Тўлқин ХУДОЙБЕРДИЕВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.**

**Республика Таълим илмий методика маркази жамоаси ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг етакчи методисти Назирахон Ғуломовага волидаи муҳтарамаси Насиба САИДХОН қизи вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.**

**«МАЪРИФАТ»**

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ғафур Маннопов, Дилбар Хўжаева.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0023. 46197 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6